

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Ипак Йули» АИТБ
2020 йил 28 сентябрдаги
Акциядорларнинг умумий йиғилиши
қарорининг

72 -сонли баённомаси

Кузатув Кенгаши Раиси



Б.У. Ибрагимов

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан

«РУЙХАТГА ОЛИНГАН»

2020 йил «29» октябрь

10 -сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раисининг биринчи
уринбосари



Б.Э. Захидов

**«ИПАК ЙУЛИ»
АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ ТИЖОРАТ
БАНКИНИНГ УСТАВИ
(ЯНГИ ТАХРИРДА)**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. «Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки (бундан буён матнда “Банк” деб юритилади), акциядорлар таъсис йиғилишининг 1-сонли баённомаси билан 1992 йил 1 августда ташкил этилган.

2. Банк ўз фаолиятини қуйидаги меъёрий ҳужжатларига асосан олиб боради:

- Ўзбекистон Республикаси қонунларига (Ўзбекистон Республикасининг Қўлланилаётган Қонунлари), шу жумладан:

(i) «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, Қонунинг янги таҳрири Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги ЎРҚ-580-сонли Қонуни билан тасдиқланган, қабул қилинган ўзгартиришлар билан биргаликда;

(ii) «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, Қонунинг янги таҳрири Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрдаги ЎРҚ-582-сонли Қонуни билан тасдиқланган;

(iii) «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, Қонунинг янги таҳрири Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сонли Қонуни билан тасдиқланган, қабул қилинган ўзгартириш ва қўшимчалар билан биргаликда;

(iv) «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, Қонунинг янги таҳрири Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июндаги ЎРҚ-387-сонли Қонуни билан тасдиқланган, қабул қилинган ўзгартириш ва қўшимчалар билан;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари);

- бошқа қонунлар ва қонуности ҳужжатларига (Ўзбекистон Республикасининг Қўлланилаётган Қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари билан биргаликда “амалдаги қонунчилик”ни ташкил этади);

- шунингдек мазкур Уставга.

3. Банк акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган бўлиб, юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга эга ҳамда хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи молиялаштириш асосида фаолият юритади. Банк Ўзбекистон Республикасининг ягона банк тизимига киради. Банк фаолиятининг муддати чекланмаган.

4. Банкни ташкил этилиши ва фаолиятининг мақсади, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва унинг ташқарисида фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияга мувофиқ банк фаолиятини амалга ошириш, шунингдек у билан боғлиқ хизматларни кўрсатишдир.

5. Банкнинг тўлиқ номи:

Кирилл алифбосида - «Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки

ўзбек тилида:

Лотин алифбосида - «Ipak Yo'li» aksiyadorlik innovatsiya tijorat banki

рус тилида: Акционерный инновационный коммерческий банк
«Ипак Йули»

инглиз тилида: Joint-stock innovation commercial bank “Ipak Yuli”

Банкнинг қисқартирилган номи:

ўзбек тилида: Кирилл алифбосида - АИТБ «Ипак Йўли»

Лотин алифбосида - АИТВ «Ipak Yo'li»

рус тилида: АИКБ «Ипак Йули»

инглиз тилида: JSICB “Ipak Yuli”

6. Юридик ва жисмоний шахслар – улар Ўзбекистон Республикасида резидент ёки норезидент бўлишларидан қатъий назар Банк таъсисчилари бўлишлари мумкин (бундан буён матнда – Шахслар деб юритилади).

Давлат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига асосан бошқа давлат ташкилотлари номидан Банк таъсисчиси ва акциядори бўлиши мумкин. Устав фонди (устав капитали)нинг эллик фоизидан ортиғи давлатга тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар Банк таъсисчилари ва акциядорлари бўлишлари мумкин эмас, агар қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса.

7. Осиё тараққиёт банки (бундан буён матнда “ОТБ” деб юритилади), Банк ва унинг йирик акциядорлари ўртасида 2012 йил 7 декабрда тузилган Акциядорлик келишуви, Обуна тўғрисидаги келишув, Сотиш опцион тўғрисидаги келишувга, шунингдек ОТБ ва Банк ўртасида 2013 йил 16 апрелда тузилган Банк акцияларини Олди-сотди шартномасига мувофиқ банк акциядори ҳисобланади.

8. Triodos SICAV II («TMF») ва DEG-Deutsche Investitions- und Entwicklungsgesellschaft mbH («DEG» ва «TMF» биргаликда «Янги инвесторлар») ҳамда Банк ўртасида 2020 йил 4 августда тузилган Обуна тўғрисидаги келишув, шунингдек Банк ва ҳар бир Янги инвестор билан 2020 йил 25 августда тузилган акцияларни сотиб олиш тўғрисидаги келишувга асосан, Янги инвесторлар Банк акциядорлари ҳисобланади.

Янги инвесторлар ва ОТБ бундан буён “Инвесторлар” деб юритилади.

9. Томонларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш ва уларнинг муносабатларини тартибга солиш шартларни баён қилиш мақсадида, Банкнинг йирик акциядорлари, Инвесторлар ва Банк ўртасида 2020 йил 4 августда акциядорлик келишуви тузилган (“Акциядорлик келишув”). Амалдаги қонунчиликда рухсат берилган даражада, мазкур Уставнинг қоидалари ва Акциядорлар келишуви қоидалари ўртасида Акциядорлар келишувида акс эттирилган Инвесторларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган бирор-бир номувофиқлик бўлган тақдирда, Банк Устав ва Акциядорлар келишуви қоидалари ўртасидаги номувофиқлик натижасида йўл қўйиладиган бирор бир хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан олдин қисқа муддатларда Инвесторлар билан маслаҳатлашувлар ўтказиш учун зарур бўлган чораларни кўради.

10. Ҳар бир акциядорнинг улуши амалдаги қонунчиликда белгиланган тўланган

устав капитали миқдоридан ошмайди.

Банк Уставининг қоидалари ва Акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ҳамда Банк Бошқаруви қарорлари асосида қабул қилинган, Банкнинг ички ҳужжатлари билан тасдиқланган қоидалар ўртасида зиддият мавжуд бўлганда Банк Уставининг қоидалари устувор аҳамиятга эга бўлади.

11. Банк ўзига хусусий мулк ҳукуки асосида тегишли бўлган алоҳида мулкларга: бинолар, иншоотлар, ускуналар, инвентарлар, бошқа фонд ва маблағларга эгадир.

Банк ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларни бегоналаштириши, ўз зиммасига мажбуриятлар олиши, миллий ва чет эл валютасида битимлар тузиши, суд органларида даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

12. Банк белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс мақомига эга бўлмаган ўзининг филиалларини очиши мумкин.

Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан республика ҳудудидан ташқарида филиал ва ваколатхоналарини, шуъба банкларини очиши мумкин.

Банкнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки Банкнинг балансида ҳисобга олинади.

13. Қиймати Банкнинг жамлама балансида акс эттириладиган пул ва бошқа турдаги моддий ҳамда номоддий бойликлар, шу жумладан банк филиалларининг балансида бўлган мулк Банкнинг мулки ҳисобланади.

14. Банк ўз мажбуриятлари, шу жумладан фуқароларнинг омонатлари бўйича ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Акциядорлар Банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Банкнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Банк давлатнинг мажбуриятлари бўйича, давлат эса Банкнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, бундан Банк ёки давлатнинг ўзи бундай мажбуриятларни зиммасига олиш ҳоллари мустасно.

15. Банк ва унинг филиаллари Ўзбекистон Республикаси давлат тилида тўлиқ фирма номи ва ўзларининг жойлашган манзили кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга.

Банк ўз номи бўлган муҳр ва бланкларга, ўз эмблемасига, шунингдек рўйхатга олинган савдо белгисига эга.

Банкнинг бош офиси қуйидаги манзилда жойлашган: 100017, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 2.

Банкнинг расмий веб-сайти: www.ipakyulibank.uz.

Банкнинг электрон почта манзили: info@ipakyulibank.uz.

II. БАНКНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

16. Банкнинг асосий мақсади Банк акциядорларига фойда тўланишини таъминлаш мақсадида ўзининг ва жалб этилган маблағлардан фойдаланишдан даромад олиш

асосида банк фаолиятини амалга ошириш, шунингдек у билан боғлиқ хизматларни кўрсатишдир.

Ўз фаолияти мақсадларига эришиш учун Банк куйидаги асосий вазифаларни амалга оширади:

- банк хизматлари бозорини ривожлантириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсиб бораётган банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш;
- корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасида ҳисоб-китобларнинг яхшиланишига кўмаклашиш ва замонавий техник воситалар ҳамда банк технологиялари ёрдамида молиявий ҳисоб-китоб интизомини мустаҳкамлаш;
- жалб этилган маблағларнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириб, уларни халқаро андозалар даражасигача етказиш, технологиялар ва модификацияларнинг янги турларини жорий этган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш;
- кредитлаш орқали иқтисодий салоҳиятнинг ривожланишига ва республика иқтисодиётининг турли соҳаларида илмий-техник тараққиёт ютуқларининг жорий этилишига кўмаклашиш;
- Банк томонидан жалб этилган маблағларнинг ишончли ва даромадли кўйилмаларга жойлаштириш орқали омонатчиларнинг омонатларини сақланишини таъминлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида бошқа банк фаолиятини юритиш.

III. БАНКНИНГ МОЛИЯВИЙ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

17. Операцияларни амалга ошириш ва пул маблағларини сақлаш учун Банк Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки Ҳисоб-китоб марказида ва бошқа банкларда вакиллик ҳисобварақларини очади.

18. Банк томонидан амалга ошириладиган молиявий операцияларга куйидагилар киради:

- пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш;
- тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш;
- кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шarti билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш;
- чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар;
- жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш;
- инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш;
- учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;
- учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш (факторинг);

- қимматли қозғаларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, миждоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қозғаларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш;

- аффинланган қимматбаҳо металллар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металлларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металлларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш;

- қимматбаҳо металллардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш;

- ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;

- ҳужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш;

- лизинг бериш;

- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;

- молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

- активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;

- электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;

- банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш.

Банк банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.

Банк банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияда кўрсатилмаган молиявий операцияларни амалга оширишга ҳақли эмас.

19. Банк аҳоли, корхоналар, ташкилотлар, кредит ва молия институтлари, шу жумладан норезидентларнинг бўш пул маблағларини жалб этади, уларни талаб қилиб олингунча депозит, жамғарма, муддатли депозит ҳисобварақларида, шунингдек бошқа турдаги депозит ва мажбуриятлар ҳисобварақларида сақлайди.

Банк қабул қилинган пул маблағларининг бут сақланишини таъминлайди.

20. Банк корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларни кредитлашни муддатлилик, қайтаришлик, таъминланганлик, мақсадлилик (амалдаги қонун ҳужжатларида мақсадлилик талаб этилмаслиги назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) ва миллий ёки чет эл валютасида кредитларни тўловлилик тамойиллари асосида амалга оширади.

Банк томонидан бериладиган кредитлар, қоидага кўра, қарз олувчига ёки учинчи шахсга тегишли бўлган ва амалдаги қонун ҳужжатларига кўра ундирув қаратилиши мумкин бўлган мулкнинг гаровга қўйилиши, шунингдек кафолатлар, кафилликлар ва банк амалиётида қабул қилинган бошқа шакллардаги мажбуриятлар билан таъминланади. Кафолатлар, кафилликлар, мажбуриятларнинг етарлилигини Банк ўзининг кредит сиёсати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талаблари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда белгилайди.

21.(А) Банк фаолиятининг бирор турини амалга ошириш учун давлат органларининг рухсати керак бўлса, Банк ушбу рухсатномаларни олмаган ҳолда бундай фаолиятни амалга оширмайди.

(Б) Банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо, сугурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

Ушбу банднинг иккинчи қисмида (Б) кўрсатилган чеклов қуйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди:

- банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган ускунани ва унга доир дастурий таъминотни сотиш ёки ижарага беришга;
- ўз активларини сотишга;
- чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатишга;
- сугурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари номидан сугурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширишга;
- Банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкини мулкий ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага беришга.

IV. МИЖОЗЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

22. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган меъёрларга мувофиқ ўз балансининг таркибий тузилишини тартибга солиш орқали Банк ўз зиммасига олган мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини доимий равишда тайёрлигини таъминлайди.

23. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган меъёрларга мувофиқ Банк жалб этилган пул маблағларининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги мажбурий захиралар фондида ўтказди.

24. Банк қабул қилинган ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилдаги 30 августда 531-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ банк сири ҳисобланган маълумотларнинг ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

25. Банкнинг ўз мижозлари ва бошқа контрагентлари билан муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда шартномавий асосда қурилади.

V. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

26. Банк молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига Банк фаолиятига, шу жумладан Банкнинг кредит портфелини ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқаришга, Банкнинг раҳбар ходимларини тайинлашга аралашади, шунингдек Банкнинг маблағлари ҳисобидан турли хил тўловлар ва бадаллар талаб қилиш тақиқланади, бундан “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

27. Мазкур Устав шартлари ва амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига асосан Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- депозиторлар, омонатчилар ва қарз олувчилар билан келишилган ҳолда омонатлар ҳамда бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини мустақил белгилаш;
- бошқа тижорат банклари билан банклараро омонатлар ва кредитларни шартнома

асосида жалб этиш ва жойлаштириш;

- ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ҳисоб-китоб марказлари ва бошқа банкларда чет эл валютасида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга ошириш;

- мижозларга кўрсатиладиган хизматлар учун воситачилик ҳақи миқдорларини мустақил белгилаш;

- барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлаб бўлинганидан кейин Банк тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобидан захира ва жамғармалар тузиш;

- ўз ваколатлари доирасида мустақил ҳолда битимлар ва бошқа юридик ҳаракатларни мустақил амалга ошириш, шу жумладан: мулкчилик объектларини сотиб олиш ёки сотиш, биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш, ижара, топшириқлар, воситачилик, сақлаш бўйича битимлар тузиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасида ҳамда ундан ташқарида кўргазмалар, савдолар, танловлар, конференциялар, симпозиумларда иштирок этиш;

- мижозлардан белгиланган тартибда имзоланган шартнома, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажаришларини талаб қилиш;

- Банк ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари, тизими, тартиби ва миқдорини мустақил белгилаш;

- муҳандислик-иқтисодий экспертиза ўтказиш ва қурилишни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа хизматларни кўрсатиш;

- Банк маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган лойиҳаларни экологик ва ижтимоий экспертизасини ўтказиш;

- кредит олувчи корхоналар ва ташкилотлардан уларнинг тўловга лаёқатлилигини, шунингдек бериладиган ва берилган кредитларнинг таъминланганлигини тасдиқлайдиган ҳисоботлар, баланслар ва ҳужжатларни олиш;

- кредитланадиган объектларни қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳа ечимларининг экспертизаси ўтказилишини талаб этиш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда пул мажбуриятлари бажарилмаганлиги туфайли корхоналар ва ташкилотларни банкрот деб топиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда республика ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг руҳсати билан юридик шахс мақомига эга бўлмаган ўзининг филиалларини ва ваколатхоналарини, шўба банкларини очиши мумкин. Банк ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва биргаликдаги дастурларни амалга ошириш учун иттифоклар, уюшмалар ва бошқа бирлашмаларда иштирок этиши мумкин;

- лицензияда, мазкур Уставда назарда тутилган ҳамда ўзининг молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа ҳаракатлар ва операцияларни бажариш.

28. Банк қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган мажбурий захиралаш талабларини бажариш;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижроси бўйича операцияларни бажариш;

- гаров (шу жумладан, мулк шаклида), тақдим этиладиган кафолатлар, кафилликлар ва мажбуриятларнинг етарлилигини кўзда тутувчи кредитлар таъминотининг ички меъёрий тартибини ўрнатиш;

- ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа ваколатли органлар томонидан белгиланган тартибда ошкор қилиш;
- Банкда ички аудит хизмати фаолиятини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилдаги 30 августда 531-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган “Банк сири тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан биргаликда, талабларига мувофиқ банк сирини сақлаш;
- Банк томонидан филиални ёпиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, банк мижозларини филиал ёпилишидан ўн беш кун олдин хабардор қилиш ва улар олдидаги мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш ёки бу мажбуриятларни мижоз билан келишилган ҳолда бошқа филиалга ўтказиш;
- корпоратив бошқарувга оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ички назорат ва таваккалчиликни бошқариш тизимида ўрнатилган талабларга риоя қилиш;
- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;
- ўзига алоқадор бўлган шахслар билан тузилган битимларнинг алоҳида рўйхатини юритиш ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкини банкка алоқадор шахслар билан битимлар тузилишидан олдин хабардор этиш;
- Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг пруденциал талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган ахборотни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка тақдим этиш;
- истеъмолчининг талабига биноан унга банк хизматларини кўрсатиш шартлари билан танишиш имкониятини тақдим этиш;
- мижозларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиб-таомилини ўз ичига олган тартибга эга бўлиш;
- ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда ўз идоравий архивида сақлаш;
- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

VI. БАНКНИНГ ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ

29. Банкнинг ўз маблағлари устав капитали, захира фонди, тақсимланмаган фойда ва акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра фойда ҳисобидан тузиладиган бошқа фондлардан ташкил топади.

30. Банк эгасининг номи ёзилган оддий ва имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир.

31. Банк акциялари барча турларининг номинал қиймати 10 (Ўн) сўмни ташкил этади.

32. Акцияларни чиқариш шакли - ҳужжатсиз.

33. Банкнинг Устав капитали 532 421 052 640,0 (Беш юз ўттиз икки миллиард тўрт юз йигирма бир миллион эллик икки минг олти юз қирқ) сўмни ташкил этиб, қуйидаги тартибда акцияларга бўлинган:

Оддий эгаси ёзилган акциялар – 53 239 945 264,0 (Эллик уч миллиард икки юз ўттиз тўққиз миллион тўққиз юз қирқ беш минг икки юз олти миш тўрт) дона, умумий номинал қиймати 532 399 452 640,0 (Беш юз ўттиз икки миллиард ўч юз тўқсон тўққиз миллион тўрт юз эллик икки минг олти юз қирқ) сўм;

- имтиёзли эгаси ёзилган акциялар – 2 160 000 (Икки миллион бир юз олтмиш минг) дона, умумий номинал қиймати 21 600 000 (Йигирма бир миллион олти юз минг) сўм.

34. Банк Устав капиталини ошириш мақсадида чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори 7 098 947 360,0 (Етти миллиард тўқсон саккиз миллион тўққиз юз қирқ етти минг уч юз олтмиш) сўмни ташкил этади, жумладан:

Оддий эгаси ёзилган акциялар – 709 894 736,0 (Етти юз тўққиз миллион саккиз юз тўқсон тўрт минг етти юз ўттиз олти) дона умумий номинал қиймати 7 098 947 360,0 (Етти миллиард тўқсон саккиз миллион тўққиз юз қирқ етти минг уч юз олтмиш) сўм;

Имтиёзли эгаси ёзилган акциялар – 0 дона, умумий номинал қиймати 0 сўм.

35. Акцияларни жойлаштириш эълон қилинган акциялар миқдори доирасида Банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорига мувофиқ Банк акциядорлари ва потенциал инвесторлар орасида амалга ошириладиган хусусий жойлаштириш (ёпиқ обуна) йўли билан мазкур Уставда белгиланган тартибда амалга оширилади.

36. Банк акциялари жойлаштирилганда уларнинг қийматини тўлаш фақат пул маблағлари билан амалга оширилади.

37. Ўзбекистон Республикасининг Қўлланилаётган Қонунларига асосан Шахслар, шу жумладан биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шунингдек норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталидаги:

- беш (5%) ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни (20%);
- йигирма (20%) ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик (50%) фоизни ёки
- Банк акцияларининг умумий сонидан эллик (50%) ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

• Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан дастлабки рухсатномасини олиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ аниқланади.

Имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охириги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказишда ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ва ҳудудда яшайдиган норезидент бўлган жисмоний шахслар ҳамда шундай давлатда рўйхатга олинган юридик шахслар, акциядорлар (иштирокчилар), охириги бенефициар мулкдорлар банк акцияларининг бевосита ёки билвосита эгалик қилувчилари бўлиши мумкин эмас.

Агар банкнинг акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун монополияга қарши органнинг олдиндан розилигини олиш талаб этилса, банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун берилган ариза Марказий банк томонидан монополияга қарши органнинг қарорини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилади.

Мазкур бандда кўрсатилган Банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномасиз тузилган Банк акцияларини олишга оид битимлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Банк акциялари ушбу бандда белгиланган талаблар бузилган ҳолда олинган тақдирда, акцияларнинг эгаси бундай битим тузилган кундан эътиборан акциядорларнинг

умумий йиғилишида овоз беришга, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни ва ўтказишни талаб қилишга, кун тартибига масалалар киритишга, Банк Кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолигига номзодлар кўрсатишга, шунингдек Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга ҳақли эмас.

Шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда банкнинг акцияларини ушбу бандда кўрсатилган ҳажмда олганда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсатномасини олиш талаб қилинади. Шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда Банкнинг акцияларини олган кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тегишли қарор қабул қилинадиган кунга қадар акциялар эгасининг ҳуқуқлари тўхтатиб турилади.

Акциядор ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда Банк акцияларини олган кундан эътиборан олтимиш кун ичида Марказий банкнинг рухсатномасини олиш учун ариза тақдим этиши керак. Акциядор томонидан ариза тақдим этилмаган тақдирда, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда олинган Банк акциялари олинган кундан эътиборан уч ой ичида бошқа шахсга берилиши лозим.

38. Банкнинг устав фонди (устав капитали) мазкур Уставда белгиланган тартибда қўшимча акцияларнинг жойлаштирилиши йўли билан қўпайтирилиши мумкин.

Банкнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтириш тўғрисидаги ва Банк Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар мазкур Уставда белгиланган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки, агар Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ (мазкур Уставда белгиланган тартибда) Банкнинг Кузатув кенгашига шундай қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган бўлса, Банкнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Банкнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Банкнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

39. Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Банк томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Банкнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва Банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар мазкур Уставда белгиланган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

40. Банк акцияларни очик ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

Банк ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очик обуна ўтказишга ҳақли. Акцияларнинг очик обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.

Банк ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли.

Банк томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

41. Банк ўз соф фойдасидан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали устав капиталининг ўн беш фоизидан (15%) кам бўлмаган миқдорда захира фондини (Захира

фондини) ташкил этади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори юқорида кўрсатилган ўн беш фоизлик миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Банкнинг захира фонди Банкнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Банкнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Банкнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

42. Мазкур Уставнинг 41-бандига асосан Захира фондини ташкил этиш билан бирга ва алоҳида чора сифатида Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ва ички ҳужжатларда белгиланган тартибда кредитлар, лизинг, бошқа активлар ва балансдан ташқари мажбуриятлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захираларини шакллантиради. Захираларга ажратмалар жорий харажатларга киритилади.

43. Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур Уставда белгиланган тартибда бошқа фондларни тузиш ва уларга Банк фойдасидан тегишли ажратмалар амалга ошириш, шунингдек фойдадан фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилиши мумкин.

VII. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

44. Мазкур Уставда белгиланган ҳоллардан ташқари, оддий акцияларнинг эгалари «битта акция - битта овоз» қондаси бўйича акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига қирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Банк тугатилган тақдирда эса, банк мол-мулкнинг бир қисmini ўзига тегишли улушга мувофиқ олиш ҳуқуқига эгадир.

45. Имтиёзли акция ўз эгасига мазкур Устав билан белгиланадиган дивиденд миқдори, фойдани тақсимлашда дивидендларни биринчи навбатда олиш ва Банк тугатилган тақдирда акциядорга тегишли бўлган имтиёзли акцияларнинг тугатилиш қиймати доирасида Банк мол-мулкни тақсимлашда устувор иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Уставга Банк имтиёзли акцияларининг Банк оддий акцияларга айирбошлаш шартларини киритиш акциядорлар томонидан тасдиқланиши лозим.

Имтиёзли акцияларнинг тугатилиш қиймати 10 (Ўн) сўмни ташкил этади.

Эгаси ёзилган имтиёзли акцияларнинг эгалари мазкур Устав ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларида бевосита кўзда тутилган ҳоллардан ташқари овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

46. Акциядорлар - имтиёзли акцияларнинг эгалари Акциядорларнинг умумий йиғилишида Банк қайта ташкил этилиши ва тугатилиши масалалари ҳал этилишида, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа масалалар бўйича овоз бериш («битта акция - битта овоз») ҳуқуқи билан иштирок этадилар.

47. Ҳар бир акциядор чекланмаган ҳолда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Акциядорлар реестрига киритилиш;
- ўзи ҳақида инвестиция воситачисидagi ва (ёки) Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидagi депо ҳисобварағидан кўчирмалар олиш;
- Банк фойдасининг бир қисmini дивидендлар тарзида олиш;
- Банк тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушига мувофиқ мол-мулкнинг бир

қисмини олиш;

- Ациядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;
- Банкнинг молия-хўжалик фаолиятининг натижалари тўғрисида Банкнинг Кузатув кенгаши ва амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган доирада тўлиқ ва тўғри маълумотларни олиш;
- олинган дивидендларни эркин тасарруф этиш;
- давлат томонидан қимматли қогозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- акцияларни сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа ижтимоий ташкилотларга бирлашиш.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Банкни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

48. Акциядорларнинг реестрига киритилган шахс Банк акциядори ҳисобланади.

Акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун акциядорнинг ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Қимматли қогозлар Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси жавобгар бўлмайди.

49. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция воситачиси ва (ёки) Қимматли қогозлар марказий депозитарийси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу акцияга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

Депо ҳисобварағидан кўчирма акциядорнинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини тасдиқлайдиган, инвестиция воситачиси ва (ёки) Қимматли қогозлар марказий депозитарийси томонидан бериладиган ҳужжатдир.

50. Акциядорнинг Банк Акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши Банк акциядорларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган реестри асосида амалга оширилади.

VIII. ФОЙДА ВА ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ

51. Амалдаги қонунчиликка биноан бюджетга барча солиқлар тўланиб ва фондларга ажратмалар амалга оширилгандан сўнг қолган фойда Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда фойдаланилади.

52. Дивиденд Банк соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган

қисмидир.

Дивидендлар Банк тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Банк Акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

53. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар оддий акциялар бўйича дивидендлар даражасида тўланади.

54. Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, агар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида мазкур Уставда белгиланган тартибда Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендлар миқдори Банк Кузатув кенгаши тавсиясидан кўп миқдорда бўлиши мумкин эмас. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

55. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Акциядорларнинг умумий йигилиши қарори билан мазкур Уставнинг 59-бандига асосан белгиланади. Дивидендларни тақсимлаш тегишли жамланма йиллик молиявий ҳисобот (тақсимлаш эълон қилинган молиявий йилга таалукли бўлган) тасдиқланган ойдан кейинги ойининг охириги иш кунидан (Германия, Нидерландия, Люксембург ва Ўзбекистонда банклар ишлаши мумкин бўлган, шунингдек ОТБ Манилада, Филиппинда иш учун очиқ деб белгиланган “Иш куни”) кеч бўлмаслиги лозим.

Банк тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг, фонд биржасининг ва Банкнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

Банк дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Дивидендлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиққа тортилади.

Эгаси ёки унинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри уч йил ичида талаб қилиб олмаган дивиденд Акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига биноан Банк ихтиёрида қолади.

Банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек Банкнинг Кузатув кенгаши,

Бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашни қуйидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:

- пруденциал нормативлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;
- ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида ночорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс эттирилган, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фойдани тақсимламаслик тўғрисида банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда.

Банк қуйидаги ҳолларда фойдани тақсимлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг розилигини олиши керак:

- ушбу бандда кўрсатилган тўловларнинг умумий суммаси банкнинг ўз капиталининг ўн фоизидан ортганда;
- жорий ёки ўтган чоракда ва (ёки) молия йилида зарар мавжуд бўлганда.

Банк, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда акциялар бўйича дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ва уларни тўлашга ҳақли эмас.

IX. БАНКНИ БОШҚАРИШ

56. Қуйидагилар Банкнинг бошқарув органлари ҳисобланади:

- Банк Акциядорларининг умумий йигилиши;
- Банк Кузатув кенгаши;
- Банк Бошқаруви.

Банк Кузатув кенгаши ва Банк Бошқаруви Банк Устави, Акциядорларнинг умумий йигилиши ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги томонидан берилган ваколатлар доирасида Банк фаолиятини бошқарадилар.

Банк Кузатув кенгашининг ва Бошқарувининг ваколатлари ижро этиш учун учинчи шахсларга ўтказилиши мумкин эмас, бундан амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

57. Акциядорларнинг умумий йигилиши Банкнинг олий бошқарув органидир. Акциядорлар умумий йиғилишининг вазифалари ва ваколатлари амалдаги қонун ҳужжатлари ва мазкур Устав билан тартибга солинади.

58. Банк ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказди. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молиявий йил тугаганидан кейин кўпи билан 6 (Олти) ой ичида ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари навбатдан ташқари Акциядорлар умумий йиғилишлари ҳам ўтказилиши мумкин.

59. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари. Қуйидаги масалалар Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколат доирасига киради ва мазкур ваколатлар йиғилишда иштирок этаётган барча овоз берувчи акцияларнинг камида эллик фоизига (50%) эга бўлган Банк Акциядорларининг маъқуллашини талаб этади (шу жумладан ҳар бир Инвесторнинг ижобий овози):

59.1. Инвесторларга тегишли бўлган акцияларга нисбатан ҳуқуқлар, имтиёзлар ёки афзалликлар (преференциялар)нинг бирор-бир ёмонлашуви ёки ўзгартирилиши;

59.2. Банк фаолияти соҳаси ёки мазмунида бирор-бир муҳим ўзгариш (шу жумладан республика ҳудудидан ташқарида филиаллар ва шуъба компаниялар орқали фаолият олиб бориш);

59.3. Банк Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги Банк Уставини тасдиқлаш;

59.4. Бизнес-режани, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ талаб этиладиган тарзда йиллик бизнес-режани тасдиқлаш ёки уларга ўзгартиришлар киритиш;

59.5. Банк акцияларини ва Банк акцияларига айрибошланадиган қимматли қогозларини сотиб олишда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисидаги қарорни қабул қилиш;

59.6. Банкни қайта ташкил этиш (шу жумладан, ҳар қандай қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш), Банк ва/ёки унинг шуъба компаниялари учун сотиш ва шунга ўхшаш таъсирга (эффектга) эга бўлган бошқа ҳар қандай ҳаракат;

59.7. Банкнинг бирор-бир акцияларини листинг қилиш, жойлаштириш ёки де-листинг қилиш;

59.8. Агар амалдаги қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Ваколатли шахс бўлмаган Шахсга акцияларни ёки акциялар эквивалентини бериш;

59.9. Банк ва/ёки шуъба компаниялари томонидан Алоқадор бўлган тараф билан ҳар қандай шартнома ёки келишувни тузиш, одатдаги банк фаолиятида амалга ошириладиган битимлар бундан мустасно;

59.10. Бирор-бир Тугатиш ҳодисаси, шу жумладан Банкни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралик ва якуний (финал) тугатиш молиявий ҳисоботини тасдиқлаш;

59.11. Банкнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш;

59.12. (1) Бирор-бир акцияларни ёки акциялар эквивалентини йириклаштириш, майдалаш ёки конвертация қилиш, (2) Банкнинг устав капиталини камайтириш ёки кўпайтириш, ёки (3) Банк устав капиталининг ҳар қандай ўзгариши;

59.13. Акция ёки акциялар эквивалентини, қарз қимматли қогозларини, опционларни ёки бошқа ўхшаш инструментларни муомаладан чиқариш, қайтариб сотиб олиш ёки чиқарилишини бекор қилиш;

59.14. Бирор-бир акцияларни, акциялар эквивалентини, бирор-бир бошқа улушли қимматли қогозларини яратиш, тасдиқлаш ва чиқариш ёки бирор-бир опционни ёки бирор-бир акциялар, Банк акциялари эквивалентлари бўйича обуна бўлиш ҳуқуқини бериш, қарз капитални ёки бошқа улушли қимматли қогозларини, бу каби яратиш, тасдиқлаш ёки чиқаришлар, аввал Банк Кузатув кенгашининг малакали кўпчилиги томонидан тасдиқланган тақдирда;

59.15. Жорий йил ва ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойда ва зарарларини тақсимлаш тартибини тасдиқлаш, Банк фойдаси ҳисобидан фондлар яратиш, Банк акцияларининг барча турлари бўйича дивиденд миқдорини, шу жумладан бирор-бир дивиденднинг эълон қилиниши ёки тўлаб берилишини, бирор-бир акциянинг

тақсимланишини ёки муомаладан чиқарилишини ёки Банкнинг дивиденд сиёсатига ҳар қандай ўзгартиришларни тасдиқлаш;

59.16. Банк йиллик жамланма молиявий ҳисоботларини, шу жумладан йиллик ҳисоботларни, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлар ҳисоботларини тасдиқлаш;

59.17. Банк томонидан Банк соф активлари қийматининг эллик фоизидан (50%) юқори бўлган активларни сотиб олиш ва бегоналаштириш билан боғлиқ йирик битимларни тузиш.

Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади;

59.18. Сотиб олиш қиймати беш миллион АҚШ долларида (\$5 000 000) (ёки унинг ўзбек сўмидаги эквивалентида) ошадиган ҳар қандай кўчмас мулкни Банк ёки унинг бирор бир шуъба компанияси томонидан сотиб олиниши, ёки Ўзбекистондан ташқарида янги филиаллар очиш;

59.19. (1) Соф активлар қийматининг беш фоизидан (5%) ошадиган (ўтган молиявий йил учун Банкнинг йиллик ҳисоботлари асосида) ва (2) одатдаги банк фаолияти билан боғлиқ бўлмаган молиялаштиришни талаб қилувчи Банкнинг янги капитал ҳаражатларини тасдиқлаш;

59.20. “Экология ва ижтимоий бошқарув тизими”ни тасдиқлаш ва унга ўзгартиришлар киритиш;

59.21. “Ходимлар учун акцияларга доир опционлар Режаси”ни тасдиқлаш ёки унга ўзгартириш киритиш;

59.22. (1) Банк активлари, мол-мулки ёки мажбуриятларини бутунлигича ёки ўн (10) фоизидан ошадиган қисми бўйича бирор-бир мажбуриятни яратиш, ечиш ёки қайта сотиб олиш ёки (2) Банк активлари, мол-мулки ёки мажбуриятларининг ўн (10) фоизидан ошадиган қисмини бутунлай ёки бир қисмини сотиш;

59.23. (1) Банк Кузатув кенгашининг миқдор таркибини белгилаш, Кузатув кенгаш аъзолари миқдорида бирор-бир ўзгартиришни амалга ошириш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш; ва (2) Банк Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофот ва компенсацияларнинг миқдорини белгилаш;

59.24. Банк ёки унинг шуъба компаниялари томонидан ҳар қандай қўшма корхонага, ширкатга, оддий ширкатга кириши ёки ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар шунга ўхшаш бошқа келишувга киришиш (одатдаги банк фаолиятидан ташқари);

59.25. Банк ёки унинг шуъба компаниялари томонидан бирор-бир ширкатга кириш ёки ташкил қилиш, фойдани тақсимлаш тўғрисидаги шартномалар ёки роялти битимлари ёки бошқа шундай келишувларда Банкнинг даромади ёки фойдаси бирор-бир бошқа шахс ўртасида бўлинади, ёки бўлиниши мумкин; ёки бирор-бир бошқарув ёхуд шунга ўхшаш келишувли шартномани тузиш, улар орқали бирор-бир бошқа Шахс Банк фаолиятини ва операцияларини бошқаради;

59.26. Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш, шу жумладан аудиторлик ташкилотини четлаштириш ёки алмаштириш ва Молиявий йилидаги бирор-бир ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

59.27. Ўз ваколатига кирадиган масалаларга доир, шу жумладан, Банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган талабларга риоя этилишига доир Банк Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Банк тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

59.28. Юқорида кўрсатилиб ўтилган бирор-бир ваколатларга тегишли бирор-бир келишув, мажбурият ёки келишувларни тузиш (мазкур Уставнинг 59.1.-59.27. кичик бандлари).

60. Акциядорлар умумий йиғилишининг умумий ваколатлари. Овозга қўйилган масалалар бўйича, Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори умумий йиғилишда иштирок этаётган Банк овоз берувчи акциялари эгалари бўлмиш - акциядорларнинг оддий кўпчилик овози (50 фоиздан кўп) билан қабул қилинади, акциядорларнинг «Мутлак ваколатлари» бундан мустасно. Акциядорлар умумий йиғилишининг умумий ваколатларига қуйидагилар киради:

60.1. Акциядорлар умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;

60.2. Банк миноритар акциядорлари кўмитасининг миқдор таркибини белгилаш, кўмита аъзолари миқдорида бирор-бир ўзгартиришни амалга ошириш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

60.3. Банкнинг ички органи бўлган ва Банкнинг молиявий ва бизнес фаолиятини назорат қилувчи ҳамда Банк Акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Кузатув Кенгашига ҳисоботлар тақдим этадиган Банк Тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш (Тафтиш комиссияси);

60.4. Банк Кузатув кенгаши томонидан тайинланган Банк Бошқарув Раисини тасдиқлаш ва тегишли ваколатларни муддатидан илгари тўхтатиш;

60.5. Банк Кузатув кенгаши аъзолари ва Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган мукофот ва компенсацияларнинг миқдорини белгилаш;

60.6. Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

60.7. Кредит муддатларини узайтириш, одатдаги банк фаолияти жараёнида амалга ошириладиган кредитлар бундан мустасно, ва/ёки кредит ёки қарздорликни ҳар қандай якуний ҳисобдан чиқариш;

60.8. Қонун ҳужжатлари ва Банк Уставида кўрсатилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк Кузатув кенгаши ва Бошқарувига берилиши мумкин эмас.

Юқоридагиларга зид келмаган ҳолда, Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган қуйидаги масалалар Банкнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин:

ушбу ваколатни бериш тўғрисидаги қарор мазкур Уставнинг 59-бандида белгиланган тартибда маъқулланган тақдирда, Банкнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек Банк Уставига Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ва эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

ушбу ваколатни бериш тўғрисидаги қарор мазкур Уставнинг 59-бандида белгиланган тартибда маъқулланган тақдирда, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нарҳини белгилаш;

Банк томонидан корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш, акцияларга айирбошланадиган облигациялар бундан мустасно;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банкнинг ижроия органини тузиш, Бошқарувнинг аъзоларини сайлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ Бошқарув раиси билан шартномани муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) масаласини ҳал қилиш; ва

Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, Бизнес-Режадан ташқари.

61. Мазкур Уставнинг 59.3., 59.6., 59.10., 59.9., 59.11., 59.17., 59.27.-кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан (шу жумладан ҳар бир Инвесторнинг ижобий овози), Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг малакали кўпчилик – етмиш беш (75) фоиз овози билан қабул қилинади.

62. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган расмий эълон қилинган санадан 3 (Уч) иш кун олдин шакллантирилган Банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Акциядорнинг талабига биноан Банк акциядорга Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорлари реестрига киритилганлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

Банк акциядорларининг реестрига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди, мазкур реестр шакллантирилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни шакллантиришда йўл қўйилган хатолар тузатилган ҳоллар бундан мустасно.

63. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида ўттиз (30) кундан кечиктирмай, Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, Банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 22 (Йигирма икки) кундан кам ва 30 (Ўттиз) кундан ортиқ қилиб белгиланиши мумкин эмас.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида муҳокамага қўйилган масалаларни батафсил баён қиладиган кун тартиби ва материаллар Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиш тўғрисидаги хабарномани жўнатиш билан биргаликда Банкнинг ҳар бир акциядорларига тарқатилади, кун тартиби ва материаллар инглиз тилига таржима қилиниши ёки тегишли таржима билан берилиши лозим.

Хабарномада кўрсатилган масалалардан ташқари барча акциядорларнинг дастлабки ёзма розилигисиз тегишли ҳолда чақирилган ва ўтказилган Акциядорлар умумий йиғилишида ҳар қандай бошқа масалалар муҳокама қилиниши ва тузилиши мумкин эмас.

Аудитдан ўтказилган молиявий ҳисоботни тасдиқлаш ва қабул қилиш мақсадида ўтказиладиган Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиш санасидан камида ўттиз (30)

кун олдин Банк Кузатув кенгаши барча акциядорларга ўтган молиявий йил бўйича Банкнинг аудитдан ўтказилган молиявий ҳисоботини тақдим этиши шарт.

64. Агар Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (Эллик) фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

65. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун ҳақиқий кворум бўлмаса Акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва жойи эълон қилинади. Акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибига ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Кўчирилган вақтдан бошлаб 11 (Ўн бир) кундан илгари, лекин 20 (Йигирма) кундан кечиктирмай Акциядорларнинг янги умумий йиғилиш санаси ўша вақтга ва жойига кўчирилиши керак.

Ўтказилмай қолган йиғилиш ўрнига Акциядорларнинг янги чақирилган умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тугаган пайтга келиб, Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи Акцияларининг жами эллик (50) фоиздан кам бўлмаган овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, бу умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

66. Акциядорнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи шахсан акциядор томонидан, шунингдек унинг вакили орқали ҳам амалга оширилади.

Акциядорнинг вакили Акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма ишончнома асосида иш кўради. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган юридик шахс ва вакил тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган манзили, паспорт маълумотлари) акс эттирилган бўлиши лозим.

Жисмоний шахс номидан бериладиган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади.

Акциядор Акциядорларнинг умумий йиғилишдаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Банк Кузатув кенгашининг Раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Банк Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

67. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилиш ҳамда кун тартибига ўзгартириш киритишга ҳақли эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ҳар бир баённомаси йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланиши керак.

68. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк Кузатув кенгашининг қарори билан унинг ўз ташаббусига биноан, Банк тафтиш комиссияси талабига кўра, талаб тақдим этилган санада банк овоз берувчи акциядорларнинг камида беш (5) фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби билан, шунингдек Банк амалдаги қонунчилик талабларига риоя этмаганда кун тартибини белгилаш ҳуқуқи билан

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўтказилади. Кузатув кенгаши амалдаги қонунчиликда белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган бўлса ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган бўлса, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин.

69. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир (1) фоизига эга бўлган Банк акциядори ёки акциядорлар гуруҳи молия йили тугаганидан кейин узоғи билан ўттиз (30) кун ичида, Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Банк Кузатув кенгашига, шу жумладан Мустақил аъзо номзодини, ва Банк Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) Банк Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Банк Кузатув кенгаши мазкур банд асосида тушган таклифларни кўриб чиқиши ва мазкур бандда белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн (10) кундан кечиктирмай уларни Акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

70. Банк Кузатув кенгаши Банк фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, амалдаги қонун ҳужжатлари ва мазкур Устав билан Акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

71. Қарорлар қабул қилиш учун малакали кўпчилик талаб этиладиган Банк Кузатув кенгаши ваколатлари.

Банк Кузатув кенгашининг мажлисида иштирок этаётган камида етмиш беш (75) фоиз аъзоларининг ((i) шу жумладан камида битта (1) Таклиф этилган аъзолардан бирининг, агар Кузатув кенгашининг тегишли мажлисида фақат уларнинг бири иштирок этаётган бўлса; (ii) Таклиф этилган аъзолардан ҳар бирининг, агар Кузатув кенгашининг тегишли мажлисида уларнинг биттадан ортиқ аъзоси иштирок этаётган бўлса) розилигисиз қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ёки ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас (“Малакали кўпчилик ваколатига тааллуқли масалалар”).

71.1. Акциядорлар умумий йигилиши қарор қабул қилиш учун чиқариладиган қуйидаги масалалар:

а. Банк фаолияти соҳаси ёки мазмунида бирор-бир муҳим ўзгариш (шу жумладан республика ҳудудидан ташқарида филиаллар ва шуъба компаниялар орқали фаолият олиб бориш);

б. Бизнес-режани тасдиқлаш ёки унга ўзгартиришлар киритиш;

в. Банкни қайта ташкил этиш (шу жумладан, ҳар қандай қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш), Банк ва/ёки унинг шуъба компаниялари учун сотиш ва шунга ўхшаш таъсирга (эффектга) эга бўлган бошқа ҳар қандай ҳаракат;

г. Банк ва/ёки шуъба компаниялари томонидан Алоқадор бўлган тараф билан ҳар қандай шартнома ёки келишувни тузиш, одатдаги банк фаолиятида амалга ошириладиган битимлар бундан мустасно;

д. Банк активлари, мол-мулки ёки мажбуриятларининг ўн (10) фоизидан ошадиган қисмини бутунлай ёки бир қисмини сотиш;

71.2. Банкнинг Бизнес-режасини ва келгуси йилга мўлжалланган йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 ноябрдан кечиктирмай маъқуллаш ва Банк Бошқарувининг Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

71.3. Бир ёки бир неча ўзаро боғлиқ битимлар натижасида, одатдаги банк фаолияти жараёнида амалга ошириладиган битимлар бундан мустасно, бир миллион (\$1 000 000) АҚШ доллари (ёки сўмдаги эквивалент миқдоридан юқори бўлган) бирор-бир мажбуриятга киришиш ёки қарз мажбурияти юзага келиши;

71.4. Банк Бошқаруви аъзоларини тайинлаш (тасдиқлаш) ва ишдан четлаштириш ва Бошқарув аъзоларига тўланадиган мукофотларнинг миқдорини белгилаш;

71.5. Бирор бир кредитларни яратиш, одатдаги банк фаолияти жараёнида амалга ошириладиган бундан мустасно;

71.6. (i) Ҳар қандай муҳим суд жараёни, низо ёки терговни (Банкнинг одатдаги хўжалик фаолияти жараёнида юзага келадиган қарздорликни ундириш билан боғлиқ суд жараёнлари бундан мустасно); ёки (ii) Кузатув кенгаш ва Бошқарувнинг ҳар қандай аъзоси иштирокида бўлган ёки Акциядорлар келишуви тарафи бўлган акциядор билан боғлиқ ёхуд бирор бир ҳокимият органи иштирокидаги ҳар қандай суд жараёни, низо ёки тергов судда қўришни бошлаш, ўтказиш ёки тинч йўл билан ҳал қилиш;

71.7. Банкнинг бирор-бир акцияларини, акциялар эквивалентини, қарз капитали ёки бирор-бир бошқа улушли қимматли қогозларини яратиш, тасдиқлаш ва чиқариш ёки банкнинг бирор-бир акциялари, акциялари эквивалентлари ёки қарз капитали ва бирор-бир бошқа улушли қимматли қогозларига нисбатан опционни ёки обуна бўлиш ҳуқуқини бериш Акциядорларнинг умумий йиғилишига қарор қабул қилиш учун чиқариш;

71.8. Банкнинг Устав капиталига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани, шу жумладан Банкнинг устав капиталини эълон қилинган акцияларнинг миқдори доирасида ошириш тўғрисида таклиф киритиш (Банкнинг бирор-бир акцияларини, акциялар эквивалентини, бирор-бир бошқа улушли қимматли қогозларини чиқариш ёки Банкнинг бирор-бир акциялари, акциялар эквивалентларига нисбатан опционни ёки обуна бўлишга мулк ҳуқуқини бериш) Акциядорларнинг умумий йиғилишига қарор қабул қилиш учун чиқариш;

71.9. Банкнинг бирор-бир қарз қимматли қогозларини яратиш, тасдиқлаш ёки чиқариш;

71.10. Юқорида қайд этилган бирор-бир ваколатларга (мазкур Уставнинг 71.1.-71.9. кичик бандлари) тегишли бўлган бирор-бир келишув, мажбурият ёки келишувларни тузиш.

72. Кузатув кенгашнинг умумий ваколатлари. Банк Кузатув кенгаши йиғилишида иштирок этаётган аъзоларнинг (шу жумладан камида иккита (2) Таклиф этилган аъзолар томонидан маъқулланиши) оддий кўпчилиги (эллик (50) фоиздан кўпроқ) маъқуллашисиз қуйидаги қарорларни ёки хатти-ҳаракатларни қабул қилишга ҳақли эмас:

72.1. Ҳар қандай дивидендларни тўлаш тартиби, бирор-бир акцияларни тақсимлаш ёки акцияларни сотиб олиш ёки дивиденд сиёсатига ўзгартиришлар киритиш масаласини Акциядорларнинг умумий йиғилишига қарор қабул қилиш учун чиқариш;

72.2. Кредитларнинг муддатини узайтириш, Банкнинг одатдаги фаолияти жараёнида амалга ошириладиганидан ташқари ва/ёки кредитларни ёки қарздорликни узил-кесил ҳисобдан чиқариш масаласини Акциядорларнинг умумий йиғилишига қарор қабул қилиш учун чиқариш;

72.3. Банкнинг асосий ҳисоб сиёсатларига ҳарқандай ўзгартиришлар киритиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ ёки Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) ёки Банк томонидан қўлланиладиган бошқа бухгалтерия стандартларига мувофиқ ўзгартиришлардан ташқари;

72.4. Банк ёки унинг бирор бир шуъба компанияси томонидан сотиб олиш қиймати бир миллион (\$1 000 000) АҚШ долларидан (ёки унинг ўзбек сўмидаги эквивалентидан) ошадиган ҳар қандай кўчмас мулкни сотиб олиш;

72.5. Республика ҳудудида Банкнинг бирор-бир филиалини ёки шуъба компанияларини ташкил этиш;

72.6. Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, шу жумладан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

72.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

72.8. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

72.9. Акциядорлар умумий йиғилиши ҳал қилиши учун Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги Банк Уставини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни киритиш;

72.10. Аудиторлик текшируви ўтказиш (мажбурий аудиторлик текширувидан ташқари) учун аудиторлик ташкилотини, унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ва у билан шартнома тузиш, шу жумладан аудиторлик ташкилотини четлаштириш ёки алмаштириш ҳамда молия йилидаги бирор-бир ўзгартиришлар тўғрисида қарор қабул қилиш.

Акциядорлар умумий йиғилишига мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори тўғрисида тавсиялар тақдим этиш;

72.11. Банк мол-мулкининг бозор қийматини аниқлашни ташкиллаштириш;

72.12. Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

72.13. Кейинчалик Акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқлаш учун тақдим этиш орқали Банк Бошқаруви Раисини тайинлаш;

72.14. Банк номидан Бошқарув Раисини ёллаш тўғрисида меҳнат шартномасини тузиш, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ, алоҳида ҳолатларда Бошқарув Раиси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳамда кейинчалик мазкур лавозимга номзодни Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиш;

72.15. Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

72.16. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан Акциядорлар умумий йиғилишига тавсиялар киритиш;

72.17. Банкнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

72.18. Банк бошқаруви органлари фаолияти тартибини белгиловчи ҳужжатлари тасдиқлаш;

72.19. Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, унинг фаолиятини ташкил этиш, шунингдек банк ички аудит хизматининг чораклик ҳисоботлари асосида банк бошқаруви томонидан банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашни амалга ошириш;

72.20. Банк ички аудити ҳақидаги Низомни тасдиқлаш;

72.21. Банк Бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Банк Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Бошқарувдан олиш. Банк Кузатув кенгаши аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

72.22. Бўлинмалар функционал схемасини кўриб чиқиш ва маъқуллаш;

72.23. Банк ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисида Низомни тасдиқлаш;

72.24. Умумий қиймати қарор қабул қилинган санада Банк соф активларининг ўн беш(15) фоизидан юқори бўлган активларни ҳар қандай тасарруфдан чиқариш ёки тасарруфдан чиқариш тўғрисида келишиш, мазкур Уставнинг 59.18., 59.19., 59.22., 71.3. ва 72.4.-кичик бандларида назарда тутилган қоидалар ёки мазкур Уставга зид бўлган бошқа ҳолатлар бундан мустасно.

Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади;

72.25. Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни мазкур Устав ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида тузиш;

72.26. Банкнинг қабул қилинган Бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чоракда банкнинг фаолияти натижалари тўғрисида Банк Бошқарувининг ҳисоботини эшитиш;

72.27. Банкнинг Бошқаруви устидан назоратни амалга ошириш;

72.28. Банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан Банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

72.29. Банк Бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;

72.30. Йиллик молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

72.31. Стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

72.32. Активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги зарарларга қарши яратиладиган заҳиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий заҳираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;

72.33. Манфаатлар тўқнашувининг, шу жумладан акциядорлар (таъсисчилар) ўртасидаги тўқнашувларнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;

72.34. Банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;

72.35. Бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида Акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобот тақдим этиш;

72.36. Юқорида қайд этилган бирор-бир ваколат юзасидан бирор-бир келишув, мажбурият ёки келишишни тузиш (мазкур Уставнинг 72.1.-72.35.-кичик бандлари);

72.37. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан Банк Кузатув кенгаши ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

73. Банк Кузатув кенгашининг ваколатларига оид масалалар қарор қабул қилиш учун Банк Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

74. Банк Кузатув кенгашининг таркиби. Банк Кузатув кенгаши тўққиз (9) кишидан иборат таркибда сайланади. Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно. Кузатув кенгашининг камида иккита (2) аъзоси мазкур Уставнинг 75-бандида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган мустақил аъзолар бўлиши лозим. Банк Кузатув кенгашининг аъзолари Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга чекланмаган микдорда қайта сайланиш ҳуқуқи билан сайланади. Банк Бошқаруви аъзолари ва Бошқарув Раиси Банк Кузатув кенгашига сайланишлари мумкин эмас. Банк Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кузатув кенгашининг аъзолигига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин келишиб олади.

Қуйидаги ҳолларда шахс Кузатув кенгаши аъзолигига сайланиши мумкин эмас ёки сайланган шахс Кузатув кенгаши аъзолиги ҳуқуқидан маҳрум этилади, агар:

шахс икки ёки ундан ортиқ банкнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш ниятида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;

шахснинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талабига кўра муддатидан илгари тугатилган бўлса;

банкда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар.

ОТБ Банк Кузатув кенгашига битта (1) аъзони тайинлаш ҳуқуқига эга (ОТБдан Таклиф этилган аъзо). “ТМФ” ва “DEG” Кузатув кенгашига биттадан (1) аъзони тайинлаш ҳуқуқига эга (“ТМФ”дан Таклиф этилган аъзо ва “DEG”дан Таклиф этилган аъзо, ОТБдан Таклиф этилган аъзо билан биргаликда – Таклиф этилган аъзолар деб ҳисобланади).

Таклиф этилган аъзоларга нисбатан, Акциядорлар ўзларида мавжуд бўлган барча ҳуқуқ ва ваколатлари доирасида Таклиф этилган шундай аъзоларни Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан кечиктирилмасдан Банк Кузатув кенгаши аъзоси сифатида сайланишини таъминлашлари шарт.

Шу билан биргаликда ОТБ(i), DEG(ii) ва TMF(iii) ҳар бири Кузатув кенгашининг ҳар бир йигилишида овоз бериш ҳуқуқисиз битта (1) кузатувчининг қатнашиши ҳуқуқига эга.

Акцияларнинг камида бир (1%) фоизига эга бўлган ҳар бир акциядор Акциядорларнинг умумий йигилиши кўриб чиқиши учун Кузатув кенгашининг Мустақил аъзоси номзодини таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Банк Кузатув кенгашининг таркибига ҳеч бўлмаганда Банк Кузатув кенгаши иккита (2) Мустақил аъзоси сайланиши шарт.

75. Банк Кузатув кенгаши Мустақил аъзоси Банк Кузатув кенгашининг қуйдаги аъзоси деб эътироф этилади:

сўнгги уч (3) йил давомида Банкда, унинг бирор-бир шуъба компанияларида ёки уларнинг аффилланган шахсларида ишламаган шахс;

Банкнинг, унинг бирор-бир шуъба компанияларига ёки уларнинг аффилланган шахсларига маслаҳатчи ёки консултант бўлган компания билан боғлиқ бўлмаган;

Банкнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлган шахслар эътироф этилади;

Банкда, шу жумладан Банк билан тузилган ҳар қандай келишув ва/ёки унинг бирор-бир шуъба компанияларида ёки уларнинг аффилланган шахсларида хизмат кўрсатилиши борасида шахсий шартномага эга бўлмаган, Банк Кузатув кенгаши аъзоси сифатида унга юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлганлардан ташқари;

сўнгги беш (5) йил мобайнида Банкнинг ходими, унинг бирор-бир шуъба компанияларининг ёки уларнинг аффилланган шахсларининг ваколатли мансабдор шахси сифатида фаолият юритган шахснинг оила аъзоси бўлмаган;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс;

Банк акциядори ва(ёки) Банк аффилланган шахснинг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

Банк билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларига киришмаган; ва

Банкни назорат қилувчи ёки Банк томонидан назорат қилинувчи шахс бўлмаган (ёки жамоавий тарзда Банк устидан назоратни амалга ошираётган шахслар ва/ёки ташкилотлар гуруҳининг аъзоси бўлмаган).

76. Банк Кузатув кенгаши Раисини тайинлаш. Кузатув кенгашининг раиси, Кузатув кенгаши мажлисида иштирок этаётган аъзоларининг етмиш беш (75) фоиз овози (шу жумладан Кузатув кенгашнинг ҳар бир Таклиф этилган аъзосининг овози) билан, сайланган Кузатув кенгаши аъзолари таркибидан Банк Кузатув кенгаши аъзолари томонидан тайинланади. Кузатув кенгаш Раиси бир (1) йил муддатга тайинланади ва Кузатув кенгашининг барча мажлисларида раислик қилади. Раис беш (5) марта қайта сайланиши мумкин.

77. Банк Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши ишини ташкил этади, кенгаш мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, Банк номидан Бошқарув раисини ёллаш тўғрисида меҳнат шартномасини тузади, Банк Кузатув кенгаши мажлисларида

баённома юритилишини ташкил этади, Акциядорларнинг умумий йиғилишларида раислик қилади. Банк Кузатув кенгаши рансн йўқлигида унинг вазифасини Банк Кузатув кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили Банк Кузатув кенгаши ваколатига оид масалаларга доир, шу жумладан, банкни бошқариш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишига доир Банк Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини эшитади.

78. Банк Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгаши рансн томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, Банк Бошқаруви аъзоларининг, Банк ички аудит хизмати бошлиғининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг талабига биноан чақирилади.

Банк Кузатув кенгашининг ҳар бир йиғилиши тўғрисидаги ёзма хабарнома Кузатув кенгаши ҳар бир аъзосига, шундай Кузатув кенгаши аъзоси томонидан, вақти-вақти билан, рўйхатга олинган манзили бўйича, шундай Кузатув кенгаши аъзоси томонидан ёзма шаклда ўзгача розилиги мавжуд бўлмаса, шундай йиғилиш бўлиб ўтадиган кундан ҳеч бўлмаганда ўттиз (30) календар кун олдин тақдим этилиши шарт.

Банк Кузатув кенгаши йиғилишининг кун тартиби ва Кузатув кенгашининг йиғилишида муҳокама қилишга таклиф этилган масалаларни батафсил баён этувчи материаллар, шу жумладан керак бўлган маълумотлар ва илова қилинган ҳужжатлар, Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосига, шундай йиғилиш бўлиб ўтадиган кундан ҳеч бўлмаганда ўттиз (30) календар кун олдин тақдим этилиши шарт.

79. Банк Кузатув кенгаши ҳар бир молиявий йилнинг ҳар чорагида камида бир марта чақирилади. Кузатув кенгаши йиғилиши Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикасида ёки Кузатув кенгаши томонидан асосланган равишда белгиланган бошқа жойда ўтказилиши шарт. Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгашининг йиғилишларида (вазиятга боғлиқ ҳолда), амалдаги қонун ҳужжатлари томонидан рухсат этилган исталган восита орқали (шу жумладан, конференц-алоқа орқали, барча йиғилиш қатнашчилари мажлис давомида бир бирларини эшитишлари ва суҳбатлашишлари шarti билан VOIP ёки шунга ўхшаш алоқа ускунаси) иштирок этишлари мумкин ва шундай иштирок этиш йиғилишда шахсан қатнашилишини англатади.

Банк Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Банк Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Тегишли тарзда чақирилган ва ўтказилган Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгаши сайланган аъзолари сонининг етмиш беш (75) фоизидан кам бўлмаслиги керак (ҳар бир Таклиф этилган аъзоларни ҳисобга олган ҳолда). Кузатув кенгаши томонидан олиб бориладиган барча ҳаракатлар Кузатув кенгашининг тегишли мажлисида иштирок этган аъзоларнинг кўпчилигининг маъқуллашини талаб қилади.

Тегишли тарзда чақирилган Кузатув кенгаши мажлисида белгиланган кворум бўлмаганда, мазкур йиғилиш, Банк Кузатув кенгаши раиси томонидан белгиланадиган кундан ўн (10) кун аввал, лекин ўттиз (30) кундан кеч бўлмаган муддат давомида, йиғилиш ўтказиш жойи ва вақти ўзгармаган ҳолда кўчирилади. Мазкур бандда қайд этилган кворумга оид талаблар Кузатув кенгашининг кўчирилган йиғилишларида ҳам қўлланилади.

Кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур Уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш (75) фоизидан кам бўлган тақдирда, Банк Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Банк акциядорларининг Ҳаққулотда (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари фақат Акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

80. Банк Кузатув кенгашининг аъзоси Банк Кузатув кенгаши мажлисида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокамага қўйилган масала бўйича сўзга чиқиш, банк фаолиятининг натижалари, ривожлантириш режалари тўғрисида тўлиқ ва ҳаққоний ахборот олиш, Банк Кузатув кенгашидаги иши учун муайян мукофот олиш ҳуқуқига эга. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун тўланадиган мукофот ва компенсациялар миқдори Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасидаги вазифалар Кузатув кенгаши раиси томонидан Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун аниқ тақсимланади.

Банк Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси томонидан, унинг Кузатув кенгаши аъзоси сифатидаги меҳнат фаолияти давомида ёки унинг фаолиятига бирор-бир тарзда боғлиқ бўлган, унинг Кузатув кенгаши аъзоси сифатидаги ҳолатига боғлиқ бўлган ҳолда қўрилган бирор-бир зарар, харажатлар ёки мажбуриятларни, Банк томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда рухсат этилган энг юқори даражада тўлаб берилиши шарт. Банк ходими бўлмаган ёки бирор-бир қўмита ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши аъзоси бўлмаган Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси томонидан қилинган оқилона харажатлар (шу жумладан Таклиф этилган аъзолар томонидан сафар ва йиғилишда иштирок этиши билан боғлиқ бўлган оқилона харажатлари ҳам) Банк томонидан тўлаб берилади.

Банк Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Банк Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

81. Амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари асосида ёки Кузатув кенгаши хоҳишига кўра Банк Кузатув кенгаши қўмиталарини, шу жумладан (i) аудит бўйича қўмитани, (ii) мукофотлар/компенсациялар бўйича қўмитани (iii) корпоратив бошқарув бўйича қўмитани (iv) таваккалчиликларни бошқариш бўйича қўмитани ва (v) экологик ва ижтимоий қўмитани ташкил этади.

Ҳар бир қўмита камида учта (3) аъзодан иборат бўлиши керак. Ҳар бир Инвестор ҳар бир қўмитага битта (1) аъзони тайинлаш ҳуқуқига эга ва Таклиф этилган аъзолардан камида биттаси амалдаги қонун ҳужжатларида рухсат этилган даражада ҳар бир қўмитанинг аъзоси бўлиши лозим. Ҳар бир аъзо (аъзо сифатида сайланган Таклиф этилган аъзолардан ташқари) камида битта қўмитанинг аъзоси бўлиши лозим (Кузатув кенгаши қарорига асосан, ҳар бир қўмитада ҳар бир аъзосининг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари ҳисобга олинган ҳолда).

82. Ҳар қандай Банкнинг аффилиланган шахси Банкнинг Кузатув кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан мазкур битим ёки ушбу аффилиланган шахс билан ўзаро боғланган бир неча битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Агар банк Кузатув кенгаши аъзоси аффилланган шахс билан битим тузишда томонлардан бири бўлса, битимни маъқуллаш тўғрисидаги қарор манфаатлар қарама-қаршилиги эга бўлмаган Банк Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

83. Банк Кузатув кенгашининг аъзоси Банк Кузатув кенгаши таркибидан, бу тўғрида Банк Кузатув кенгашини аввалдан хабардор қилган ҳолда, ўз ихтиёри билан чиқиши мумкин. Ҳар бир Инвестор Акциядорлар умумий йигилишининг қарорига мувофиқ, Кузатув кенгаши аъзоси сифатида тайинланган ўзи Таклиф этилган аъзосини (сабабли ёки сабабсиз) ҳар қандай вақтда ишдан четлаштиришни талаб қилиши ва ишдан четлаштирилган Таклиф этилган аъзоси ўрнига Инвесторнинг бошқа Таклиф этилган аъзосини Кузатув кенгаши аъзоси сифатида тайинлаш ҳуқуқига эга.

Бундай ҳолда, акциядорлар, уларда мавжуд барча ҳуқуқ ва ваколатлар асосида мазкур бандга асосан Инвестор Кузатув кенгаши таркибидан четлаштиришни хошлаётган Кузатув кенгаши аъзосини четлаштиришни, шу жумладан навбатдан ташқари Акциядорлар умумий йигилишини чақирилишини таъминлашлари шарт.

Ҳеч бир акциядор Кузатув кенгашининг бирор бир аъзосини четлаштириш учун ҳеч қандай чоралар кўрмаслиги лозим, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно: (i) мазкур банднинг 2-қисмида назарда тутилган ҳолатлар; (ii) бундай аъзо ўз вазифаларни бажараётганда, фирибгарлик йўли билан ёки қўпол равишда бепарволик билан ёхуд қасддан ноқонуний хатти-ҳаракат билан ҳаракат қилган ҳолатларда; ёки (iii) амалдаги қонун ҳужжатлари ёки бирор бир давлат органи талабларига мувофиқ.

Суд Банк Кузатув кенгаши аъзосини Банкка мулкӣ зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

84. Банкнинг қундалик фаолиятига коллегиял ижроия орган - Банк Бошқаруви раҳбарлик қилади. Банк Бошқарувининг таркиби етти (7) кишидан иборат. Бошқарув раиси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда Банк Кузатув кенгашининг тақдимида кўра конкурс танлов асосида лавозимга тайинланади ва кейинчалик Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланади. Бошқарув аъзолари Банк Бошқаруви раисининг тақдими бўйича Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банк Бошқарувининг аъзолигига ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимлар лавозимларига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин келишиб олади.

Суд Банк Бошқаруви раиси ёки аъзосини Банкка мулкӣ зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

85. Банк Бошқарувининг мажлислари зарурат юзасидан, аммо ҳеч бўлмаганда ойига бир марта ўтказилади.

Банк Бошқаруви мажлислари, муҳокама қилинаётган масалаларнинг мавзусидан келиб чиққан ҳолда, Банк Бошқаруви раиси ёки унинг ўринбосари томонидан олиб борилади.

86. Банк Бошқаруви:

Банкнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган фаолият стратегияси ва уни бошқариш тизимига мувофиқ банкни оператив бошқарувини амалга оширади ва Банк фаолияти учун тўлиқ жавобгар бўлади;

Банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажаради, шунингдек Банк акциядорларининг умумий йигилишига ва Кузатув кенгашига бажарилган ишлар, Банкка нисбатан қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги ҳисоботни даврий равишда тақдим этади;

мазкур Уставга мувофиқ Акциядорлар умумий йигилиши ёки Банк Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқиши лозим бўлган масалаларни дастлаб кўриб чиқиб, улар бўйича тегишли материаллар, таклифлар ва қарорларнинг лойиҳаларини тайёрлайди;

Банк бошқарувининг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ўз ваколатлари доирасида банк ходимлари ўртасида ваколатларни ва жавобгарликни тақсимланишини таъминлайди;

Банкнинг таркибий бўлинмалари, филиаллари ва ваколатхоналари фаолиятини ташкил этади;

Банк Устави ва амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида Банк томонидан хизматларнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

Банкнинг бюджетига мувофиқ хайрия ва ҳомийлик фаолиятига маблағлар ажратиш учун қарорлар қабул қилади;

Банк фаолиятига тааллуқли ички ҳужжатлар (низомлар, тартиблар, қоидалар, услубий қўлланмалар ва ҳоказо), шу жумладан банк операцияларини, корреспонденциялар ва ҳужжатларни имзолаш ҳамда расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди, Банк Устави ва амалдаги қонун ҳужжатлари билан тасдиқланиши Банк Акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенгаши ваколатига киритилган ички ҳужжатлар бундан мустасно;

Банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади ва уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилишларини назорат қилади;

Банк операцияларини ўтказиш, ҳисоб, ҳисобот, ички назорат, банклараро шартномаларни имзолаш ва банк фаолиятига алоқадор бошқа асосий масалаларни ҳал этади;

ўз ваколати доирасида кадрларни танлаш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш масалаларини ҳал этади;

Банк мажбуриятларини қабул қилиш, пул-ҳисоб ҳужжатлари ва корреспонденцияларни имзолашнинг умумий шартлари ва тартибини белгилайди;

ўз ваколати доирасида банк фаолияти учун зарур мол-мулкни сотиб олиш ва бегоналаштириш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

ўз ваколатлари доирасида берилган кредитларни узайтирилиши ҳамда кредитларни ва бошқа активларни ҳисобдан чиқариш, шу жумладан Банкнинг Кузатув кенгаши ва Акциядорлар умумий йигилиши томонидан кўриб чиқишга олиб чиқиш учун балансдан

ташқари ҳисобварақлардан кредитларни узил-кесил ҳисобдан чиқариш учун масалаларни кўриб чиқади;

қарор қабул қилиш санасида Банк соф активлари қийматининг ўн беш (15) фоизидан кам бўлган Банк активларини сотиб олиш ва бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни тузади, мазкур Уставнинг 59.18., 59.19., 59.22., 71.3. ва 72.4.-кичик бандларида назарда тутилган қоидалар ёки мазкур Уставга зид бўлган бошқа ҳолатлар бундан мустасно;

ўз ваколатлари доирасида Банк фаолиятини такомиллаштириш учун қўмиталар ташкил этади;

Банкнинг кундалик фаолиятига доир бошқа масалаларни кўриб чиқади ва ҳал этади, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Банк Кузатув кенгашининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

87. Банк бошқаруви томонидан қарор қабул қилиш чегараси. Банк Бошқаруви унинг муҳокамасига киритилган масалаларни мажлисда Бошқарув аъзоларининг камида етмиш беш (75) фоизи иштирок этганда ҳал этишга ваколатли ҳисобланади, узрли сабабларга кўра келмаганлардан ташқари. Қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда Бошқарув раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

88. Бошқарув раиси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда Банк Кузатув кенгашининг тақдимига кўра конкурс танлов асосида лавозимга тайинланади ва кейинчалик Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Банк Бошқарув раисини тайинлаш тўғрисидаги қарор, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

Бошқарув раиси Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади, Банк Кузатув кенгашининг рухсати билан унинг мажлисларида маслаҳат овози билан иштирок этади, Банкнинг мансбдор шахси ҳисобланади ва Банкка юклатилган масалаларни ҳал этишда шахсан масъул ҳисобланади.

89. Банк Бошқаруви раиси қуйидагиларга ҳақлидир:

Банк номидан ишончномасиз ҳаракат қилади, бошқа ташкилотлар билан муносабатларда банкнинг манфаатларини ифодалайди;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва унга берилган ваколатларга кўра Банк мол-мулки ва маблағларини тасарруф этади;

шартнома ва контрактларни, шу жумладан, меҳнат шартномаларини тузади;

ишончномалар беради;

барча ходимлар учун мажбурий кучга эга бўлган буйруқ ва кўрсатмалар чиқаради;

амалдаги қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички норматив ҳужжатларига мувофиқ штат жадвалини тасдиқлайди ва ушбу жадвалга ҳамда тузилган шартномаларга кўра Банк ходимларини ишга тайинлайди ва улар билан меҳнат шартномасини бекор қилади, шунингдек, ходимларни моддий ва номоддий рағбатлантириш бўйича чораларни қўллайди, меҳнат мажбуриятларини бузганлиги учун интизомий жазолар қўллайди;

ўзининг ўринбосарлари ва таркибий тузилмалар раҳбарларининг уларга бириктирилган бўлинмаларга масъулият даражасини белгилайди;

Банкнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, шу жумладан Банк филиаллари таркибий бўлинмаларнинг намунавий низомларини тасдиқлайди;

Банкнинг таркибий бўлинмалари ходимлари лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Банк филиали ходимлари, Бошқарув аъзолари ва муҳим аҳамиятга эга ходимларнинг лавозим йўриқномалри бундан мустасно;

Бошқарув раиси билан имзоланган меҳнат шартномасида кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этади.

Х. БАНКНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИ

90. Банк фаолиятининг молиявий ҳолати ва натижалари ойлик ва йиллик балансларда, фойда ва зарарлар ҳисоботида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим этиладиган йиллик ҳисоботда акс этади.

Банкнинг молиявий ҳисоботи, шу жумладан йиллик баланс ҳамда фойда ва зарарлар ҳисоботи Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Банк молиявий ҳисоботларини, уларда акс эттирилган маълумотлар мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқлангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган шакл ва муддатларда эълон қилади.

Банк молиявий ҳисоботининг ҳисобот даври календарь йили ҳисобланиб, 1 январда бошланиб, 31 декабрда якунланади.

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг мақсади омонатчиларни, акциядорларни ўз вақтида, тўлиқ, ишончли молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир.

Банкнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Банкнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

Банк Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

91. Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ва ҳаққоний маълумотларни шакллантириш;

- самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

- молиявий, солиққа доир ва бошқа ҳисоботларни тузиш.

Банкдаги бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларнинг, шунингдек акциядорларга ва оммавий ахборот воситаларида банк фаолияти тўғрисида тақдим этиладиган

маълумотларнинг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банк Бошқаруви масъулдир.

XI. БАНК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

92. Банкнинг кундалик фаолияти устидан назорат ҳамда ички назорат тизимининг Банк томонидан ўтказиладиган операциялар ҳажми ва мураккаблигига мос келиши Банк Кузатув кенгаши томонидан таъминланади.

93. Банк Кузатув кенгаши Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки талаблари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўрсатилган тартибда Банк бошқаруви органларининг қарорларига кўра фаолият юритувчи ички аудит хизматини шакллантиради. Банк Кузатув кенгаши ички аудит тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди.

94. Банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан 3 (Уч) кишидан иборат тафтиш комиссияси бир йил муддатга сайланади.

Банк тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айти Банк тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек Банкнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас.

Банк тафтиш комиссиясининг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланади.

95. Тафтиш комиссияси текширув ўтказиш вақтида ҳар йиллик мустақил аудиторлик текширувининг натижалари ва ички аудит хизматининг материалларидан фойдаланади. Зарур бўлганда, тафтиш комиссияси бирламчи бухгалтерлик ҳужжатларига мурожаат қилиши мумкин.

96. Банк тафтиш комиссиясининг фаолият юритиш тартиби Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Низом билан белгиланади.

Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бир йиллик ёки бошқа давр ичида фаолият якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ташаббусига биноан Акциядорлар умумий йиғилишининг, Банк Кузатув кенгашининг қарорига ёки биргаликда Банкнинг овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорларнинг талабига биноан амалга оширилади.

97. Тафтиш комиссияси Банк томонидан унинг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ва бошқа ҳужжатларга риоя қилишини, банк томонидан йил давомида амалга оширилган кредит, ҳисоб-китоб ва бошқа операцияларни, ички назорат тизимини йўлга қўйилганлигини, касса ва мол-мулк ҳолатини (ёппасига текшириш ёки танлов асосида) текширади.

98. Тафтиш комиссияси томонидан Банк молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича тақдим этилган хулосада қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- банк ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига баҳо бериш;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тартибини ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини юритишда қонунчиликни бузиш ҳоллари бўйича маълумот.

Тафтиш комиссияси ўтказилган тафтиш тўғрисидаги ҳисоботни, зарур ҳолатларда камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги тавсияларни илова қилган ҳолда, шунингдек, тасдиқлашга тақдим этилган баланс ҳамда фойда ва зарарлар ҳисоби Банкдаги ишларнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлиги ҳақидаги хулосани тасдиқлаш бўйича тавсияларни илова қилган ҳолда, Банк Акциядорларининг умумий йиғилишига ҳамда Банк Кузатув кенгашига тақдим этади.

99. Банк ўзининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тасдиқлаш учун ҳар йили Банк ёки унинг акциядорлари билан мулкӣ манфаатлар билан боғланмаган мустақил аудиторлик компаниясини жалб этади.

Аудиторлик текширувларидан мақсад қўйидагилар тўғрисида аудиторларнинг ҳолис фикрини олишдир:

- Банк молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлиги ва уларнинг бухгалтерия ҳисобининг халқаро бухгалтерия ҳисоби андозаларига ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки норматив ҳужжатларига мослиги;
- ички назорат тизимининг ташкил этилиши ва ички назорат тартибига амал қилиниши;
- Банк томонидан банк қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига риоя этилиши;
- Банк ўтказадиган операциялар, унинг молиявий фаолияти, бухгалтерлик ҳисоби ва маъмурий назорат тизимининг ўзаро нисбатининг самарали ва тўғрилиги.

100. Банкнинг навбатдан ташқари аудиторлик текшируви ҳар қандай пайтда, устав капиталидаги биргаликдаги улуши беш (5) ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган акциядорларнинг талаби, шунингдек қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда ўтказилади. Аудиторлик текширувини ўтказиш муддатларини, ишлаш тартибини текширув ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган орган белгилайди.

101. Тафтиш комиссиясига тўланадиган мукофот миқдори Банк Кузатув кенгаши тавсиясига кўра Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

ХП. БАНКНИНГ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ТУГАТИЛИШИ

102. Банкни қайта ташкил этиш Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра амалдаги қонунчиликка биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан амалга оширилади. Банкни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талабига биноан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Банкни қайта ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

103. Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш ихтиёрий ёки мажбурий (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан лицензия чақириб олинганда) шаклда амалга оширилиши мумкин.

Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш учун:

- Банк акциядорлари умумий йиғилишининг банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг банкни мажбурий тугатиш ҳақидаги қарори асос бўлади.

Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш, шу жумладан ихтиёрий шаклда тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш, шу жумладан ихтиёрий шаклда тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

104. Ихтиёрий тугатиш банк акциядорлари (иштирокчилари) умумий йиғилишининг ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарори асосида, кредиторлар ва омонатчиларнинг талабларини қаноатлантириш имконияти мавжуд бўлганда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг рухсати олинганда амалга оширилади.

Банкни тугатиш комиссияси олдиндан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланади. Агар тугатиш комиссияси тайинланмаган бўлса, Банкни тугатиш бўйича комиссия Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг қарори билан ташкил этилади.

105. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кура Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ихтиёрий равишда тугатилишга рухсат бериш тўғрисида ариза такдим этади.

106. Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг лицензияни чакириб олиш тўғрисидаги қарори асосида мажбурий тугатилади.

107. Банкни мажбурий тугатиш чоғида тугатиш комиссияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тугатиш комиссияси таркибига Марказий банк ходимларини киритишга ҳақли.

108. Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан эътиборан банк ишларини бошқариш бўйича, шу жумладан Банк акциядорларининг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Бошқаруви ваколатлари ушбу комиссияга утади.

Тугатиш комиссияси тайинланган санадан эътиборан икки кун ичида оммавий ахборот воситаларида, шунингдек банкнинг расмий веб-сайтида банк тугатилганлиги, шу жумладан унинг омонатчилари ва кредиторлари томонидан талабларни қаноатлантириш тўғрисидаги аризаларни бериш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги эълонни чоп этиши шарт. Талабларни такдим этиш муддати банк тугатилганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинган кундан эътиборан икки ойни ташкил этади ва мазкур муддат тугаганидан сунг тугатиш комиссияси томонидан талаблар қабул қилинмайди.

Тугатиш комиссияси қимматли амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотни ҳам ошкор қилиши керак.

Тугатиш комиссияси лицензия чакириб олинган кундан эътиборан икки ой ичида кредиторларни аниқлаш ҳамда дебиторлик қарзларини ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг мажбурий захиралар жамғармасида депозитга қуйилган маблағларни олиш чораларини куради. Мазкур маблағлар биринчи навбатда тугатилаётган Банкнинг қарзларини жисмоний шахсларнинг талаблари асосида тулашга қаратилади, ундан Банкка алоқадор бўлган шахслар мустасно.

109. Банкни тугатиш Банкларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилган кундан эътиборан тамомланган деб ва банк тугатилган деб ҳисобланади.

“Ипак Йўли” АИТБ
Бошқаруви Раиси

С.С. Сайдахмедов

Уставнинг 59, 60, 71 ва 72-бандларига нисбатан қўлланилаётган қуйидаги атамалар:

Бизнес-режа - бу фойда ва зарарлар тўғрисидаги прогноз қилинган ҳисоботлар, бухгалтерия баланси ва пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботлар, Банк фаолиятининг мақсадлари ва асосий йўналишларидан келиб чиқиб аниқ муддатлари аниқланган ва камида кейинги уч (3) Молиявий йил учун мўлжалланган Банкнинг ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ўз ичига олган Банкнинг бизнес-режаси;

“Ваколатли шахс” деганда қуйидаги Шахс тушунилади:

(а) судланмаган ёки жаримага тортилмаган, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш бўйича компетент юрисдикцияга эга бўлган ҳар қандай суд ёки давлат органи томонидан айблов ҳулосаси ёки жиноий жазо қўлланилмаган шахс;

(б) Қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат талабини бажарган шахс;

(в) Банкнинг миссияси ва юксалишини қўллаб-қувватлашни давом эттирадиган виждонли ва нуфузли инвестор (Инвесторлар томонидан онгли тарзда ҳаракат қилган ҳолда аниқланган);

“Тақиқланган рўйхат”да эълон қилинган санкциялар қўлланиладиган шахсларнинг бирор бир рўйхатига киритилмаган (вақти вақти билан янгиланиб турадиган) шахс:

(1) БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши ёки унинг кўмиталари Хавфсизлик Кенгашининг 1267 (1999), 1373 (2001) Резолюцияларига асосан ёки жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга оид тегишли ёки кейинги резолюциялари (www.un.org/terrorism сайтига ҳавола қилинади);

(2) Жаҳон банки (шу жумладан Жаҳон банкининг номуносиб фирма ёки жисмоний шахслар Рўйхати);

(3) Терроризмга қарши кураш бўйича аниқ чора-тадбирларни қўллаш бўйича Европа Иттифоқи Кенгашининг 2001/931/CFSP Умумий Позицияси қўлланиладиган шахслар, гуруҳлар ва ташкилотлар;

(4) Европа Иттифоқининг Умумий Ташқи Сиёсати ва Ҳавфсизлик Сиёсатига мувофиқ қабул қилинган молиявий санкциялар қўлланиладиган Европа Иттифоқининг шахслари, гуруҳлари ва ташкилотларининг жамланма рўйхати; шунингдек

(5) Хорижий активларни назорат қилиш Бошқармаси (OFAC) томонидан нашр этилган (SpeciallyDesignatedNationalslists) шахсларнинг махсус қора рўйхати;

(д) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёки Европа Иттифоқининг санкцияларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёки Европа Иттифоқининг санкциялар эмбаргосига тушадиган материалларга ёки секторларга ёхуд ушбу Шахс номидан иш юритадиган ҳар қандай Шахсга тегишли бўлмаган;

(е) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёки Европа Иттифоқи томонидан қўлланиладиган ҳар қандай санкциялар объекти бўлган ҳудуд ёки мамлакатда

(ж) юқоридаги (а)-(е) бандлари талабларига жавоб бермайдиган ҳар қандай шахснинг аффиланган шахси бўлмаган (ёки аффиланган шахснинг раҳбари ёки мансабдор шахси) ва аффиланган шахси эмас (аффиланган шахснинг раҳбари ёки мансабдор шахси);

(з) ҳар бир Инвесторнинг фикрига кўра Банк ёки Инвестор обрўси учун ҳавф туғдирадиган Шахс бўлмаган;

(и) Инвесторнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш ёки “Ўз миждозингни бил” туғрисидаги ҳужжатларида белгиланган мезонларга жавоб бермаган шахс.

Молиявий йил - ҳар йили 1 январда бошланиб, 31 декабрида тугайдиган Банкнинг ҳисобот йилини англатади.

Тугатиш ҳодисаси/ҳолати-бу ихтиёрий ёки мажбурий бўлган ҳар қандай тугатилиши ёки банкротлиги, қайта ташкил этилиши, кредиторлар билан тузилган келишув ёки шунга ухшаш бошқа ҳар қандай Банкнинг тулов қобилиятсизлиги, ёхуд ҳар қандай бундай ҳодиса ёки тулов қобилиятсизлиги ҳақидаги иш бўйича бошқарувчини тайинланиши билан боғлиқ ҳар қандай илтимоснома ёки қарор;

Соф активлар қиймати деганда Банк ва унинг шуъба компанияларига нисбатан уларнинг жамланма қилинган асосий воситалари ва жорий активлари йиғиндисидан жамланма қилинган мажбуриятларини чиқариб ташлаш тушунилади;

Қуйидаги шахслар алоқадор тараф ҳисобланади:

Банк ёки ҳар қандай шуъба компаниясига нисбатан ҳал қилувчи манфаатга эга бўлган;

Банк ёки ҳар қандай шуъба компанияси унда ҳал қилувчи манфаатга эга бўлган;

Ҳар қандай тарзда Банкка аффиланган шахс;

Банк Кузатув кенгаши аъзоси, Банк ёки шуъба компаниясида мансабдор шахс ёки ходими сифатида ишлаган (ёки охириги уч (3) йил ичида ишлаган);

юқоридагилардан бирига киритилган ҳар қандай шахснинг оила аъзоси бўлган.

“Ҳал қилувчи манфаат” деганда Банк ёки исталган шуъба корхона устав капиталида овоз бериш ҳукуқини берувчи акцияларнинг камида 5 (беш) фоизига бевосита ёки билвосита эгалик қилишни англатади.

“Ипак Йўли” АНТБ
Бошқарувчи Раиси

С.С. Сайдуллоев

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Ипак Йўли» АИТБ

2021 йил 30 июндаги
Банк Акциядорлари умумий
йиғилиши

76 сонли Бағиномаси



Норматов Б.У.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан

“РУЙХАТГА ОЛИНГАН”

2021 йил « 12 » август
№ 10-1



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг биринчи ўринбосари

Захидов Б.Э.

«ИПАК ЙЎЛИ»
АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ
ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ УСТАВИГА
КИРИТИЛГАН УЗГАРТИРИШЛАР
ВА ҚУШИМЧАЛАР

**«ИПАК ЙЎЛИ»
АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН
ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. Уставнинг 12-банди куйидаги тахрирда баён қилинсин:

12. Банк белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс мақомига эга бўлмаган ўзининг филиалларини очиши мумкин.

Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан республика ҳудудидан ташқарида филиал ва ваколатхоналарини, шуъба банкларини очиши мумкин.

Банкнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки Банкнинг балансида ҳисобга олинади.

Банк филиаллари тўғрисида маълумот:

№	Номи	Манзили
1	Чилонзор филиали	100135, Тошкент ш., Чилонзор тумани, “Ботирма” МФЙ, Фарход кўчаси, 12а-уй
2	Мирзо Улуғбек филиали	100000, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, “Нур” МФЙ, Хамид Олимжон кўчаси, 5-уй
3	Яккасарой филиали	100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, “Муҳандислар” МФЙ, Усмон Носир кўчаси, 65-уй
4	«Уриқзор» филиали	100210, Тошкент ш., Учтепа тумани, Уриқзор мавзеси, “Юсуф Саккокий” МФЙ, “Стройгород” мажмуаси
5	«Сағбон» филиали	100002, Тошкент ш., Олмазор тумани, “Эски шаҳар” МФЙ, Сағбон кўчаси, 1-уй
6	Миробод филиали	100015, Тошкент ш., Миробод тумани, “Миробод” МФЙ, Миробод кўчаси, 25-уй
7	Шайхонтохур филиали	100021, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, “Чакар” МФЙ, Алишер Навоий кўчаси, 25-уй
8	Янгийўл филиали	100815, Тошкент вилояти, Янгийўл ш., “Наврўз” МФЙ, Самарқанд кўчаси, 146-уй
9	«Умар» минтақавий филиали	140120, Самарқанд вилояти, Самарқанд ш., “Афросиёб” МФЙ, Дағбит кўчаси, 14-уй
10	Навоий филиали	210100, Навоий вилояти, Навоий ш., “Меъмор” МФЙ, Меъморлар кўчаси, 18-уй
11	«Шахрисабз» филиали	181306, Қашқадарё вилояти, Шахрисабз ш., Шахрисабз тумани, “Ипак Йўли” МФЙ, Пиллакашлик кўчаси, 21-уй
12	«Қарши» филиали	180100, Қашқадарё вилояти, Қарши ш., “Кунчиқар” МФЙ, Мустакиллик кўчаси, 18-уй

13	«Наманган» филиали	160130, Наманган вилояти, Наманган ш., Давлатобод тумани, «Давлатобод» МФЙ, Ғалаба кўчаси, 2-уй
14	Андижон филиали	17010, Андижон вилояти, Андижон ш., «Мустақиллик» МФЙ, Истиклол кучаси, 35-уй
15	Фарғона филиали	150117, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, «Маърифат» МФЙ, Қомус кучаси, 26-уй
16	Бухоро филиали	200104, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, «Шайхул олам» МФЙ, Б. Нақшбанд кучаси, 252- уй

2. Уставнинг 78-банди қуйидаги гахрирда баён қилинсин:

78. Банк Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгаши Раиси томонидан унинг уз ташаббусига кура, Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, Банк Бошқаруви аъзоларининг, Банк ички аудит хизмати бошлиғининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талабига биноан чақирилади.

Банк Кузатув кенгашининг ҳар бир йиғилиши туғрисидаги ёзма хабарнома Кузатув кенгаши ҳар бир аъзосига, шундай Кузатув кенгаши аъзоси томонидан, вақти-вақти билан, рўйхатга олинган манзили бўйича, шундай Кузатув кенгаши аъзоси томонидан ёзма шаклда узгача розилиги мавжуд бўлмаса, шундай йиғилиш бўлиб ўтадиган кундан ҳеч бўлмаганда ун (10) календарь кун олдин тақдим этилиши шарт.

Банк Кузатув кенгаши йиғилишининг кун тартиби ва Кузатув кенгашининг йиғилишида муҳокама қилишга таклиф этилган масалаларни батафсил баён этувчи материаллар, шу жумладан керак бўлган маълумотлар ва илова қилинган ҳужжатлар, Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосига, шундай йиғилиш бўлиб ўтадиган кундан ҳеч бўлмаганда ун (10) календарь кун олдин тақдим этилиши шарт.

Кузатув кенгаши шахсий йиғилишини утказишда кун тартибига киритилмаган масалани Кузатув кенгаши йиғилишида ҳозир бўлган барча Кузатув кенгаши аъзоларининг бир овоздан розилиги, шунингдек, қатнашмаётган аъзоларнинг улар йўқлигида бундай масалани кўриб чиқилишига розилиги бўлган тақдирда кўриб чиқиши мумкин.

3. «Ипак Йўли» АИТБ Уставига 1-сонли Илова қуйидаги хатбоши билан тулдирилсин:

одатдаги банк фаолияти - банк лицензияси ва «Банклар ва банк фаолияти туғрисида»ги Қонунда кўрсатилган банк операциялари амалга асди.

«Ипак Йўли» АИТБ
Бошқарув раиси

С.С. Сайдахмедов

**“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ипак Йўли” АИТБ**

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан**

**2022 йил 30 июндаги
Банк Акциядорлари умумий
йиғилиши**

“РУЙХАТГА ОЛИНГАН”

2022 йил “26” 11/05
10/2 - сон

79 сонли Баённомаси

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Ҳиссининг биринчи уринбосари**



Захидов Б.Э.

**«ИПАК ЙЎЛИ»
АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ
ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ УСТАВИГА
КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР
ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

**«ИПАК ЙЎЛИ»
АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН
ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Уставнинг 34-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

34. Устав капиталини ошириш мақсадида Банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори **70 000 000 000,0 (Етмиш миллиард) сўмни** ташкил этади, жумладан:

- оддий эгаси ёзилган акциялар – **7 000 000 000 (Етти миллиард) дона**, умумий номинал қиймати **70 000 000 000,0 (Етмиш миллиард) сўм**;
- имтиёзли эгаси ёзилган акциялар - 0 дона, умумий номинал қиймати 0 сўм.

2. Уставнинг 59.27- кичик банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

59.27. Ўз ваколатига кирадиган масалаларга доир, шу жумладан, Банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган талабларга риоя этилишига доир Банк Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш.

3. Уставнинг 60.3. - кичик банди чиқариб ташлансин;

4. Уставнинг 60.4. - кичик банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

60.4. Банк Кузатув кенгаши томонидан тайинланган Банк Бошқарув Рансини ваколатларини узайтириш ёки уларни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилган ҳолда 3 (Уч) йил муддатга тасдиқлаш, шунингдек тегишли ваколатларни муддатидан илгари бекор қилиш;

5. Уставнинг 60.5. - кичик банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

60.5. Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофот ва компенсацияларнинг миқдорини белгилаш;

6. Уставнинг 68 - банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

68. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши Банк Кузатув кенгашининг қарори билан унинг ўз ташаббусига биноан, талаб тақдим этилган санада банк овоз берувчи акцияларнинг камида беш (5) фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби билан, шунингдек Банк амалдаги қонунчилик талабларига риоя этмаганда кун тартибини белгилаш ҳуқуқи билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўтказилади. Кузатув кенгаши амалдаги қонунчиликда белгиланган муддат ичида Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган бўлса ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган бўлса, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин.

7. Уставнинг 69 - банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

69. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир (1) фоизига эга бўлган Банк акциядори ёки акциядорлар гуруҳи молия йили тугаганидан кейин узоғи билан ўттиз (30) кун ичида, Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Банк Кузатув кенгашига номзод, шу жумладан Мустақил аъзо номзодини кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) Банк Кузатув кенгашига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Банк Кузатув кенгаши мазкур банд асосида тушган таклифларни кўриб чиқиши ва мазкур бандда белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн (10) кундан кечиктирмай уларни Акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

8. Уставнинг 72.14. - кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

72.14. Банк номидан Бошқарув Рансний ёллаш тўғрисида меҳнат шартномасини ваколатларини узайтириш ёки уларни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилган ҳолда 3 (Уч) йил муддатга тузиш, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ, алоҳида ҳолатларда Бошқарув Рансн билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳамда кейинчалик мазкур лавозимга номзодни Акциядорларнинг умумий йигилишига тақдим этиш.

9. Уставнинг 72.16. - кичик банди чиқариб ташлансин;

10. Уставнинг 74-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Кузатув кенгашининг таркиби. Кузатув кенгаши тўққиз (9) кишидан иборат таркибда сайланади. Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно. Кузатув кенгашининг камида иккита (2) аъзоси мазкур Уставнинг 75-бандида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган мустақил аъзолар бўлиши лозим. Банк Кузатув кенгашининг аъзолари Акциядорлар умумий йигилиши томонидан уч йил муддатга чекланмаган микдорда қайта сайланиш ҳуқуқи билан сайланади. Банк Бошқаруви аъзолари ва Бошқарув Рансн Банк Кузатув кенгашига сайланишлари мумкин эмас. Банк Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

11. Уставнинг 76 - банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

76. Банк Кузатув кенгаши Рансний сайлаш. Кузатув кенгашининг раиси, Кузатув кенгаши мажлисида иштирок этаётган аъзоларининг етмиш беш (75) фоиз овози (шу жумладан Кузатув кенгашининг ҳар бир Таклиф этилган аъзосининг овози) билан, сайланган Кузатув кенгаши аъзолари таркибидан Банк Кузатув кенгаши томонидан сайланади.

Кузатув кенгаш Раиси Кузатув кенгашининг барча мажлисларида раислик қилади. Кузатув кенгаши Раиси мазкур лавозимни кетма-кет 5 (Беш) йилдан ортиқ вақт эгаллаб туриши мумкин эмас.

12. Уставнинг 78 - банди қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

78. Банк Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгаши Рансн томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Кузатув кенгаши, Банк Бошқаруви аъзосининг, Банк ички аудит хизмати бошлиғининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талабига биноан чақирилади.

Банк Кузатув кенгашининг ҳар бир йиғилиши тўғрисидаги ёзма хабарнома Кузатув кенгаши ҳар бир аъзосига, шундай Кузатув кенгаши аъзоси томонидан, вақти-вақти билан, рўйхатга олинган манзили бўйича, шундай Кузатув кенгаши аъзоси томонидан ёзма шаклда ўзгача розилиги мавжуд бўлмаса, шундай йиғилиш бўлиб ўтадиган кундан ҳеч бўлмаганда ўттиз (30) календар кун олдин тақдим этилиши шарт.

Банк Кузатув кенгаши йиғилишининг кун тартиби ва Кузатув кенгашининг йиғилишида муҳокама қилишга таклиф этилган масалаларни батафсил баён этувчи материаллар, шу жумладан керак бўлган маълумотлар ва илова қилинган ҳужжатлар, Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосига, шундай йиғилиш бўлиб ўтадиган кундан ҳеч бўлмаганда ўттиз (30) календар кун олдин тақдим этилиши шарт.

13. Уставнинг 79 - банди қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

79. Банк Кузатув кенгаши ҳар бир молиявий йилнинг ҳар чорагида камида бир марта чақирилади. Кузатув кенгаши йиғилиши Тошкент шаҳрида ёки Кузатув кенгаши томонидан асосланган равишда белгиланган бошқа жойда ўтказилиши шарт. Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгашининг йиғилишларида (вазиятга боғлиқ ҳолда), амалдаги қонун ҳужжатлари томонидан рухсат этилган исталган восита орқали (шу жумладан, конференц-алоқа орқали, барча йиғилиш қатнашчилари мажлис давомида бир бирларини эшитишлари ва суҳбатлашишлари шарти билан VOIP ёки шунга ўхшаш алоқа ускунаси) иштирок этишлари мумкин ва шундай иштирок этиш йиғилишда шахсан қатнашилишини англатади.

Банк Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Банк Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Тегишли тарзда чақирилган ва ўтказилган Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгаши сайланган аъзолари сонининг етмиш беш (75) фоизидан кам бўлмаслиги керак (шу жумладан ОТБдан Таклиф этилган аъзо ва DEG ёки TMF дан камида битта (1) Таклиф этилган аъзо ҳисобга олиниши зарур, бунда Таклиф этилган аъзо тегишли Инвестор томонидан тайинланган бўлиши шарт). Кузатув кенгаши томонидан олиб бориладиган барча ҳаракатлар Кузатув кенгашининг тегишли мажлисида иштирок этган аъзоларнинг кўпчилигининг маъқуллашини талаб қилади.

Тегишли тарзда чақирилган Кузатув кенгаши мажлисида белгиланган кворум бўлмаганда, мазкур йиғилиш, Банк Кузатув кенгаши раиси томонидан белгиланадиган кундан ўн (10) кун аввал, лекин ўттиз (30) кундан кеч бўлмаган муддат давомида, йиғилиш ўтказиш жойи ва вақти ўзгармаган ҳолда кўчирилади. Мазкур бандда қайд этилган кворумга оид талаблар Кузатув кенгашининг кўчирилган йиғилишларида ҳам қўлланилади.

Кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур Уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш (75) фоизидан кам бўлган тақдирда, Банк Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Банк акциядорларининг фавқулодда (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари фақат Акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

14. Уставнинг 84 - банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

84. Банкнинг кундалик фаолиятига коллегиял ижроия орган - Банк Бошқаруви раҳбарлик қилади.

Банк Бошқарувининг таркиби етти (7) кишидан иборат. Бошқарув Раиси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда Банк Кузатув кенгашининг тақдимиға кура конкурс танлов асосида лавозимға тайинланади ва кейинчалик Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланади. Бошқарув аъзолари Банк Бошқаруви Раисининг тақдими бўйича Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Бошқарув Раиси ва унинг аъзолари ўз лавозимларига ваколатларини узайтириш ёки уларни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилган ҳолда 3 (Уч) йил муддатға тасдиқланади. Банк номидан шартнома Кузатув кенгаши Раиси ёки Банк Кузатув кенгаши томонидан ваколат берилган шахс томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банк Бошқарувининг аъзолигига ҳамда муҳим аҳамиятға эға ходимлар лавозимларига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимға киришишидан олдин келишиб олади.

Суд Банк Бошқаруви раиси ёки аъзосини Банкка мулкый зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг ваколатлари суднинг қарорига кура, уларнинг ҳўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эғаллаши тақиқланган ҳолда, камида бир йил муддатға тугатилиши мумкин.

15. Уставнинг 94- банди чиқариб ташлансин;

16. Уставнинг 95 -банди чиқариб ташлансин;

17. Уставнинг 96 - банди чиқариб ташлансин;

18. Уставнинг 97 - банди чиқариб ташлансин;

19. Уставнинг 98 - банди чиқариб ташлансин;

20. Уставнинг 101 - банди чиқариб ташлансин.

«Ипак Йўли» АИТБ
Бошқаруви Раиси



С.С. Сайдахмедов

**«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Ипак Йўли» АИТБ**

**2022 йил 5 октябрдаги
Банк Кузатув кенгашининг
йиғилиши**

12 - сонли Баённомаси

Кенгаш Раиси



Норматов Б.У.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан**

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

**2022 йил « 4 » ноябр
10/3 -сонли**

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг биринчи уринбосари**



Сайдуллаев Н.Н.

**«ИПАК ЙЎЛИ»
АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ
ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ УСТАВИГА
КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

**«ИПАК ЙУЛИ»
АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН
УЗГАРТИРИШЛАР**

1. Уставнинг 33-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

33. Банкнинг Устав капитали 602 421 052 640,0 (Олти юз икки миллиард тўрт юз йигирма бир миллион эллик икки минг олти юз қирк) сўмни ташкил этиб, қуйидаги тартибда акцияларга бўлинган:

Оддий эгаси ёзилган акциялар – 60 239 945 264,0 (Олтмиш миллиард икки юз уттиз тўққиз миллион тўққиз юз қирк беш минг икки юз олтмиш тўрт) дона, умумий номинал қиймати 602 399 452 640,0 (Олти юз икки миллиард уч юз тўқсон тўққиз миллион тўрт юз эллик икки минг олти юз қирк) сўм;

Имтиёзли эгаси ёзилган акциялар – 2 160 000 (Икки миллион бир юз олтмиш минг) дона, умумий номинал қиймати 21 600 000,0 (Йигирма бир миллион олти юз минг) сўм.

2. Уставнинг 34-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

34. Банкнинг эълон қилинган акциялари ~~мажбур~~ эмас.

“Ипак Йули” АИТБ
Бошқаруви Раиси

С.С.Сайдахмедов

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Ипак Йўли» АИТБ

2023 йил 28 сентябрдаги
Банк Акциядорлари умумий
йиғилиши

84 сонли Баённомаси

Кузатув кенгаши раиси



Норматов Б.У.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

2023 йил « 4 » ноябр
№ 4014

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Раисининг биринчи уринбосари



Сайдуллаев Н.Н.

«ИПАК ЙЎЛИ»
АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ
ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ УСТАВИГА
КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР
ВА ҚЎШИМЧАЛАР

«ИПАК ЙЎЛИ»
АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН
ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Уставнинг 7-банди чиқариб ташлансин;

2. Уставнинг 8- банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

8. Triodos SICAV II («TMF») ва DEG-Deutsche Investitions- und Entwicklungsgesellschaft mbH («DEG» ва «TMF» биргаликда «Инвесторлар») ҳамда Банк ўртасида 2020 йил 4 августда тузилган Обуна тўғрисидаги келишув, шунингдек Банк ва ҳар бир Инвестор билан 2020 йил 25 августда тузилган акцияларни сотиб олиш тўғрисидаги келишувларга асосан, Инвесторлар Банк акциядорлари ҳисобланади.

3. Уставнинг 37 – бандининг 3-хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Имтиёзли солиқ режимини тақдим қилувчи ва (ёки) якуний бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этмасликни ҳамда молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотлар тақдим қилмасликни кўзда тутувчи давлатда ва ҳудудда рўйхатга олинган юридик шахслар ва шундай давлатда ёки ҳудудда яшайдиган жисмоний шахслар банкнинг муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин эмас (бундан чет эл фонд бозорларида банк акцияларини сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар мустасно).

4. Уставнинг 40 – бандининг 2-хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Банк ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очик обуна ўтказишга ҳақли. Акцияларнинг очик обунаси қимматли қоғозларнинг уюшган савдосидагина ўтказилади.

5. Уставнинг 55-бандининг 2-хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан мазкур Уставнинг 59-бандига мувофиқ белгилапади. Дивидендларни тақсимлаш тегишли жамланма йиллик молиявий ҳисобот (тегишли тақсимлаш эълон қилинган молиявий йилга тааллуқли бўлган) тасдиқланган ойдан кейинги ойининг охиригача иш кунидан («иш куни» Германия, Нидерландия, Люксембург ва Ўзбекистонда банклар иш учун очик деб белгиланган кун) кеч бўлмаслиги лозим.

6. Уставнинг 60.8 кичик бандининг 5-хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Ушбу ваколатни бериш тўғрисидаги қарор мазкур Уставнинг 59-бандида белгиланган тартибда маъқулланган тақдирда, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг уюшган савдосига чиқариш) нархини белгилаш

7. Уставнинг 66 - банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

66. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

Акциядорнинг вакили акциядорларнинг Умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотлар) бўлиши лозим.

Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади.

Акциядор акциядорларнинг Умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

Агар акциядорнинг акциядорлар Умумий йиғилишида шахсан иштирок этишга имконияти бўлмаса, ушбу акциядор акциядорлар Умумий йиғилиши тўғрисидаги хабарни олгандан сўнг, акциядорлар Умумий йиғилишида видеоконференцалоқа тизими орқали иштирок этиш тўғрисида Банкка сўров юбориши мумкин. Бунда овоз бериш электрон почта орқали юборилган овоз бериш бюллетенлари асосида амалга оширилади.

Акциядорларнинг Умумий йиғилишида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда иштирок этган акциядор ёки унинг вакили акциядорлар Умумий йиғилиши ўтказилгандан кейинги кундан кечиктирмай, овоз бериш бюллетенининг асл нусхасини, агар унинг вакили иштирок этган бўлса, ишончноманинг асл нусхасини почта орқали юбориши шарт.

Овоз бериш яқунларини санаб чиқиш акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилган кундан бошлаб 10 календарь кундан кечиктирмай, почта орқали олинган бюллетенлар асл нусхалари асосида амалга оширилади.

Акциядорларнинг Умумий йиғилишини видеоконференцалоқа тизими орқали ўтказиш тўғрисидаги қарор Банк Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Акциядорларнинг Умумий йиғилиши видеоконференцалоқа тизими орқали ўтказилганда йиғилиш баённомасига мазкур йиғилишнинг видеоёзуви илова қилиниши шарт.

Акциядорларнинг Умумий йиғилишини Банк Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Банк Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

8. Уставнинг 69-бандининг 1-хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Банк оддий акцияларининг эгалари - ҳаммаси бўлиб камида бир (1%) фоиз овоз берувчи акцияларга эгалик қилувчи ҳар қандай Банк акциядори ёки акциядорлар гуруҳи, акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Банкнинг Кузатув кенгаши аъзолигига номзод кўрсатишга ҳақли, бундан Кузатув кенгашининг Мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно, агар бундай тақдимот ва (ёки) номзодни илгари суриш молия йили тугаганидан кейин ўттиз (30) кундан кечиктирмай амалга оширилса.

9. Уставнинг 72- банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

72. Кузатув кенгашининг умумий ваколатлари. Банк Кузатув кенгаши йиғилишида иштирок этаётган аъзоларининг (шу жумладан, (i) Кузатув кенгашининг тегишли мажлисида Таклиф этилган аъзолардан фақат биттаси иштирок этган бўлса, Таклиф

этилган аъзолардан камида биттасининг (1) розилиги билан; ва (ii) Кузатув кенгашининг йиғилишида бир нечта Таклиф этилган аъзо иштирок этган бўлса, ҳар бир Таклиф этилган аъзонинг розилиги билан) оддий кўпчиликнинг (аъзоларнинг эллик (50) фоиздан кўпроғи) маъқуллашисиз қуйидаги қарорларни ёки хатти-ҳаракатларни қабул қилишга ҳақли эмас:

10. Уставнинг 72.12- кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг уюшган савдоларига чиқариш) нархини белгилаш.

11. Уставнинг 74 - банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

74. Кузатув кенгашининг таркиби. Кузатув кенгаши тўққиз (9) кишидан иборат таркибда сайланади. Бунда Кузатув кенгашининг камида икки (2) нафар аъзоси мазкур Уставнинг 75-бандида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган мустақил аъзолар бўлиши лозим. Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар акциядорларнинг Умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун Кузатув кенгаши томонидан танлов асосида тақдим этилади. Бунда камида бир (1%) фоиз акцияга эгаллик қилувчи ҳар бир акциядор танловда иштирок этиш учун номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно. Банк Кузатув кенгашининг аъзолари Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга чекланмаган тарзда қайта сайланиш ҳуқуқи билан сайланади. Банк Бошқаруви аъзолари ва Бошқарув Раиси Банк Кузатув кенгашига сайланишлари мумкин эмас. Банк Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банкнинг Кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида қўпайтирилади ҳамда акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Банк Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

Акциядорларнинг Умумий йиғилишида сайланган Кузатув кенгаши аъзоси мазкур йиғилиш баённомасида қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки Кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кузатув кенгашининг аъзолигига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин келишиб олади.

Қуйидаги ҳолларда шахс Кузатув кенгаши аъзолигига сайланиши мумкин эмас ёки сайланган шахс Кузатув кенгаши аъзолиги ҳуқуқидан маҳрум этилади, агар:

шахс икки ёки ундан ортиқ банкнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш ниятида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;

шахснинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талабига кўра муддатидан илгари тугатилган бўлса;

банкда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар.

TMF ва DEG ҳар бири Кузатув кенгашига биттадан (1) аъзони тайинлаш ҳуқуқига эга (TMF дан Таклиф этилган аъзо ва DEG дан Таклиф этилган аъзо, тегишинча биргаликда Таклиф этилган аъзолар).

Таклиф этилган аъзоларга нисбатан, Акциядорлар ўзларида мавжуд бўлган барча ҳуқуқ ва ваколатлари доирасида Таклиф этилган шундай аъзоларни Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан кечиктирилмасдан Банк Кузатув кенгаши аъзоси сифатида сайланишини таъминлашлари шарт.

Шу билан биргаликда (i) DEG ва (ii) TMF, ҳар бири Кузатув кенгашининг ҳар бир йиғилишида овоз бериш ҳуқуқисиз битта (1) кузатувчининг қатнашиш ҳуқуқига эга.

Банк Кузатув кенгаши таркибига ҳеч бўлмаганда Банк Кузатув кенгашининг икки (2) нафар Мустақил аъзоси сайланиши шарт.

Банкнинг Кузатув кенгаши таркиби Кузатув кенгашининг тўққиз (9) нафар аъзосидан иборат бўлиши шарт.

12. Уставнинг 75 - банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

75. Қуйидагилар Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас: сўнгги уч йил ичида Банкда ва (ёки) Банкнинг аффилланган шахсларида ишлаган шахс;

Банкда овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизга эгалик қилувчи (тўғридан тўғри ва/ёки аффилланган шахслар орқали) акциядор;

Банкнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш микдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, уша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

сўнгги уч йил ичида Банкка ва (ёки) Банкнинг аффилланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

кетма-кет олти йил давомида Банкнинг Кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;

Банк ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан Кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;

Банкнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) Банкнинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахсининг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахсининг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, кизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;

Банкнинг Уставида ёки акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

Банк Банкнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қилади.

Банк Кузатув кенгаши мустақил аъзоларининг реестрини юритиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Банк Кузатув кенгаши мустақил аъзосининг ушбу банднинг биринчи қисмида белгиланган талабларга мувофиқлиги ўзгарган тақдирда, у Банкни ва Кузатув кенгашини бу ҳақда икки иш қуни ичида хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда ушбу банднинг биринчи қисмида белгиланган тартибда бошқа номзод мустақил аъзо сифатида таклиф этилади.

Банк Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси Кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда ушбу Уставда белгиланган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

13. Уставнинг 78 - банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

78. Банк Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгаши Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Кузатув кенгаши, Банк Бошқаруви аъзосининг, Банк ички аудит хизмати бошлиғининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талабига биноан чақирилади.

Банк Кузатув кенгашининг ҳар бир йиғилиши тўғрисидаги ёзма хабарнома Кузатув кенгаши ҳар бир аъзосига, шундай Кузатув кенгаши аъзоси томонидан, вақти-вақти билан, рўйхатга олинган манзили бўйича, шундай Кузатув кенгаши аъзоси томонидан ёзма шаклда ўзгача розилиги мавжуд бўлмаса, шундай йиғилиш бўлиб ўтадиган кундан ҳеч бўлмаганда ўн (10) календар кун олдин тақдим этилиши шарт.

Банк Кузатув кенгаши йиғилишининг кун тартиби ва Кузатув кенгашининг йиғилишида муҳокама қилишга таклиф этилган масалаларни батафсил баён этувчи материаллар, шу жумладан керак бўлган маълумотлар ва илова қилинган ҳужжатлар, Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосига, шундай йиғилиш бўлиб ўтадиган кундан ҳеч бўлмаганда ўн (10) календар кун олдин тақдим этилиши шарт.

14. Уставнинг 79-бандининг 3-хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Тегишли тарзда чақирилган ва ўтказилган Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгаши сайланган аъзолари сонининг етмиш беш (75) фоизидан кам бўлмаслиги керак (шу жумладан, TMF ёки DEG дан камида битта (1) Таклиф этилган аъзо бўлиши шарт, агар бундай Таклиф этилган аъзо тегишли Инвестор томонидан тайинланган бўлса). Кузатув кенгаши томонидан олиб бориладиган барча ҳаракатлар Кузатув кенгашининг тегишли мажлисида иштирок этган аъзоларнинг кўпчилигининг маъқуллашини талаб қилади.

«Ипак Йўли» АИТБ
Бошқарув раиси

С.С. Сайдахмедов

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Ипак Йўли» АИТБ

2023 йил 15 декабрдаги
Банк Акциядорлари умумий
йиғилиши

85 сонли Баённомаси

Кузатув кенгаши раиси



Норматов Б.У.



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

2023 йил «26» декабр
№ 10/Б

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг биринчи ўринбосари



Сайдуллаев Н.Н.



«ИПАК ЙЎЛИ»
АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ
ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ УСТАВИГА
КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

**«ИПАК ЙЎЛИ»
АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН
ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. Уставнинг 84-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

84. Банкнинг кундалик фаолиятига коллегиял ижроия орган - Банк Бошқаруви раҳбарлик қилади.

Банк Бошқарувининг таркиби саккиз (8) кишидан иборат. Бошқарув Раиси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда Банк Кузатув кенгашининг тақдимига кура конкурс танлов асосида лавозимга тайинланади ва кейинчалик Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Бошқарув аъзолари Банк Бошқаруви Раисининг тақдими бўйича Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Бошқарув Раиси ва унинг аъзолари ўз лавозимларига ваколатларини узайтириш ёки уларни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилган ҳолда 3 (Уч) йил муддатга тасдиқланади. Банк номидан шартнома Кузатув кенгаши Раиси ёки Банк Кузатув кенгаши томонидан ваколат берилган шахс томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банк Бошқарувининг аъзолигига ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимлар лавозимларига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин келишиб олади.

Суд Банк Бошқаруви раиси ёки аъзосини Банкка мулкӣ зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг ваколатлари суднинг қарорига кура, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаётган тақққланган ҳолда, камида бир йил муддатга тугатилиши мумкин.

«Ипак Йўли» АИТБ
Бошқарув раиси

С.С. Сайдахмедов

**“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ипак Йўли” АИТБ**

**2024 йил 19 декабрдаги
Банк Акциядорлари умумий
йиғилиши**

88 – сонли Баённомаси

Кузатув кенгаши раиси



Норматов Б.У.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”**

**2025 йил “14” декабрь
№ 10/6**

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки**

Раёсатининг биринчи ўринбосари



Сайдуллаев Н.Н.

**«ИПАК ЙЎЛИ»
АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ
ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ УСТАВИГА
КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР
ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

“ИПАК ЙЎЛИ” АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Уставнинг 84-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

84. Банкнинг кундалик фаолиятига коллегиял ижроия орган - Банк Бошқаруви раҳбарлик қилади.

Банк Бошқарувининг таркиби етти (7) кишидан иборат. Бошқарув раиси Банк Кузатув кенгашининг тақдимида кўра конкурс танлов асосида лавозимга тайинланади. Кейинчалик Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилади. Бошқарув аъзолари Банк Бошқаруви раисининг тақдими бўйича Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Бошқарув Раиси ва унинг аъзолари ўз лавозимларига ваколатларини узайтириш ёки уларни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилган ҳолда 3 (уч) йил муддатга тасдиқланади. Банк номидан шартнома Кузатув кенгаши Раиси ёки Банк Кузатув кенгаши томонидан ваколат берилган шахс томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банк Бошқарувининг аъзолигига ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимлар лавозимларига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин келишиб олади.

Суд Банк Бошқаруви раиси ёки аъзосини Банкка мулкӣ зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг ҳўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

2. Уставнинг 85-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

85. Банк Бошқарувининг мажлислари зарурат юзасидан, аммо ҳеч бўлмаганда ойига бир марта ўтказилади.

Банк Бошқаруви мажлислари, муҳокама қилинаётган масалаларнинг мавзусидан келиб чиққан ҳолда, Банк Бошқаруви раиси ёки унинг ўринбосари томонидан олиб борилади.

Бошқарув мажлисларини ўтказиш тартиби “Ипак Йўли” АИТБ Бошқаруви тўғрисидаги Низомда қайд этилади.


3. Уставнинг 87-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

87. Банк бошқаруви томонидан қарор қабул қилиш чегараси. Банк Бошқаруви унинг муҳокамасига киритилган масалаларнинг мажлисда Бошқарув аъзоларининг камида 4 (тўрт) нафари иштирок этганда ҳал этишга ваколатли ҳисобланади. Қарорлар кўпчилик

овоз билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлган тақдирда Бошқарув Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

«Ипак Йўли» АИТБ
Бошқарув раиси

С.С. Сайдахмедов

A handwritten signature in blue ink, consisting of several fluid, overlapping strokes, positioned diagonally across the page between the two printed names.

**“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ипак Йўли” АИТБ**

**2025 йил 30 июндаги
Банк Акциядорлари умумий
йиғилиши**

89 – сонли Баённомаси

Кузатув келгани раиси



Норматов Б.У.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”**

**2025 йил “22” июль
№ 1014**

Ўзбекистон Республикаси

**Марказий банки
Раёсатининг биринчи ўринбосари**



Сайдуллаев Н.Н.

**«ИПАК ЙЎЛИ»
АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ
ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ УСТАВИГА
КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР
ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

**“ИПАК ЙЎЛИ”
АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ БАНКИНИНГ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР
ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Уставнинг 74-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Кузатув кенгашининг таркиби. Кузатув кенгаши тўққиз (9) кишидан иборат таркибда сайланади. Бунда Кузатув кенгашининг камида (2) нафар аъзоси мазкур Уставнинг 75-бандида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган мустақил аъзолар бўлиши лозим. Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар акциядорларнинг Умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун Кузатув кенгаши томонидан танлов асосида тақдим этилади. Бунда камида бир (1%) фоиз акцияга эгалик қилувчи ҳар бир акциядор танловда иштирок этиш учун номзод **тавсия қилиш** ҳуқуқига эга. Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно. Банк Кузатув кенгашининг аъзолари Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга чекланмаган тарзда қайта сайланиш ҳуқуқи билан сайланади. Банк Бошқарув аъзолари ва Бошқарув Раиси Банк Кузатув кенгашига сайланишлари мумкин эмас. Банк Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

2. Уставнинг 76-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

76. Банк Кузатув кенгаши Раисини сайлаш. Кузатув кенгашининг раиси, Кузатув кенгаши мажлисида иштирок этаётган аъзоларининг етмиш беш (75) фоиз овози (шу жумладан Кузатув кенгашининг ҳар бир Таклиф этилган аъзосининг овози) билан, сайланган Кузатув кенгаши аъзолари таркибидан Банк Кузатув кенгаши томонидан сайланади.

Кузатув кенгаши Раиси Кузатув кенгашининг барча мажлисларида раислик қилади. Кузатув кенгаши Раиси мазкур лавозимни кетма-кет 6 (олти) йилдан ортиқ вақт эгаллаб туриши мумкин эмас. Кузатув кенгаши Раисининг мажлисда иштирок этиши имкони бўлмаган тақдирда, Кенгаш Раиси Кузатув кенгашининг аъзоларидан бирини мажлис Раиси сифатида тайинлайди.

**«Ипак Йўли» АИТБ
Бошқарув раиси**

С.С. Сайдахмедов

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Ипак Йўли» АИТБ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан

2025 йил 29 сентябрдаги
Банк Акциядорлари умумий
йиғилиши

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

2025 йил « 4 » ноябрь
№ 10/8

90 сонли Баённомаси

Кузатув кенгаши раиси

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Раисининг биринчи ўринбосари



Норматов Б.У.



Сайдуллаев Н.Н.

«ИПАК ЙЎЛИ»
АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ
ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ УСТАВИГА
КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР
ВА ҚЎШИМЧАЛАР

**«ИПАК ЙУЛИ»
АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН
ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Уставнинг 12-банди 11 ва 13-кичик бандлари қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

11	“Шахрисабз” филиали	181300, Қашқадарё вилояти, Шахрисабз ш., Шарисабз тамани, “Тикланиш” МФЙ, Ипак Йўли кўчаси, 80-уй
----	---------------------	--

13	“Наманган” филиали	160100, Наманган вилояти, Наманган ш., А.Навои кўчаси, 5/1-уй
----	--------------------	---

2. Уставнинг 59-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

59. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари. Қуйидаги масалалар Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради ва мазкур ваколатлар йиғилишда иштирок этаётган барча овоз берувчи акцияларнинг камида эллик фоизига (50%) эга бўлган Банк Акциядорларининг маъқуллашини талаб этади:

3. Уставнинг 59.3-кичик банди чиқариб ташлансин;

4. Уставнинг 59.6-кичик банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

59.6. Банкнинг шуъба компанияларини қайта ташкил этиш (шу жумладан, ҳар қандай қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш), Банкнинг шуъба компанияларини сотиш ва шунга ўхшаш таъсирга (эфектга) эга бўлган бошқа ҳар қандай ҳаракат;

5. Уставнинг 59.9-кичик банди чиқариб ташлансин;

6. Уставнинг 59.10-кичик банди чиқариб ташлансин;

7. Уставнинг 59.11-кичик банди чиқариб ташлансин;

8. Уставнинг 59.17-кичик банди чиқариб ташлансин;

9. Уставнинг 59.27-кичик банди чиқариб ташлансин;

10. Уставнинг 60.1-кичик банди 59.29-кичик банди деб ҳисоблансин;

11. Уставнинг 60.2-кичик банди 59.30-кичик банди деб ҳисоблансин;

12. Уставнинг 60.3-кичик банди 59.31-кичик банди деб ҳисоблансин;

13. Уставнинг 60.4-кичик банди 59.32-кичик банди деб ҳисоблансин;

14. Уставнинг 60.5-кичик банди чиқариб ташлансин;

15. Уставнинг 60.6-кичик банди 59.34-кичик банди деб ҳисоблансин;

16. Уставнинг 60.7-кичик банди 59.35-кичик банди деб ҳисоблансин;

17. Уставнинг 60.8-кичик банди 59.36-кичик банди деб ҳисоблансин;

18. Устав қуйидаги мазмундаги 60-банд билан тўлдирилсин:

60. Акциядорлар умумий йиғилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунларида назарда тутилган бошқа масалалар юзасидан ҳам қарорлар қабул қилиши мумкин.

19. Уставнинг 61-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

61. Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлмиш акциядорларнинг малакали кўпчилик - етмиш беш (75) фоиз овози билан қабул қилинади:

20. Уставнинг 61-банди қуйидаги мазмундаги 61.1-кичик банди билан тўлдирилсин:

61.1 Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Уставнинг янги таҳририни тасдиқлаш;

21. Уставнинг 61-банди қуйидаги мазмундаги 61.2-кичик банди билан тўлдирилсин:

61.2. Банкни қайта ташкил этиш (шу жумладан, ҳар қандай қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш), Банкни сотиш ва шунга ўхшаш таъсирга (эффектга) эга бўлган бошқа ҳар қандай ҳаракат;

22. Уставнинг 61-банди қуйидаги мазмундаги 61.3-кичик банди билан тўлдирилсин:

61.3. Бирор-бир Тугатиш ҳодисаси, шу жумладан Банкни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш молиявий ҳисоботини тасдиқлаш;

23. Уставнинг 61-банди қуйидаги мазмундаги 61.4-кичик банди билан тўлдирилсин:

61.4. Банкнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш;

24. Уставнинг 61-банди қуйидаги мазмундаги 61.5-кичик банди билан тўлдирилсин:

61.5. Ўз ваколатига кирадиган масалаларга доир, шу жумладан, Банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган талабларга риоя этилишига доир Банк Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

25. Уставнинг 61-банди қуйидаги мазмундаги 61.6-кичик банди билан тўлдирилсин:

61.6. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (кейинги ўринларда - АЖ тўғрисидаги Қонун) 84-моддасига мувофиқ йирик битимларни тузиш;

26. Уставнинг 61-банди қуйидаги мазмундаги 61.7-кичик банди билан тўлдирилсин:

61.7. АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 88-моддасига мувофиқ ҳар қандай банкнинг аффилиланган шахси билан ҳар қандай шартнома тузиши.

27. Устав қуйидаги мазмундаги 70-1 –банд билан тўлдирилсин:

70-1. Банкнинг Кузатув кенгаши тасдиғини талаб қиладиган қуйидаги масалалар бўйича ҳар қандай қарорлар йиғилишда қатнашган барча аъзоларнинг фақат бир овоздан мақуллаши билан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгаши йиғилиши қворуми АЖ тўғрисидаги Қонунга мувофиқ сайланган аъзоларнинг камида саксон фоизини (80%) ташкил этиши керак:

28. Уставнинг 70-1 -банди қуйидаги мазмундаги 70-1.1-кичик банди билан тўлдирилсин:

70-1.1. АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 84-моддасига мувофиқ, қиймати Банкнинг соф активлари қийматининг 15 фоизидан ошиб, лекин 50 фоизидан кам бўлган ҳолларда Банк томонидан активларни олиш ёки тасарруф этиш билан боғлиқ йирик битимларни тузиш;

29. Уставнинг 70-1 -банди қуйидаги мазмундаги 70-1.2-кичик банди билан тўлдирилсин:

70-1.2. АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 88-моддасига мувофиқ, ҳар қандай аффилиланган шахс билан келишув тузиш. Агар Кузатув кенгашининг бир аъзоси таклиф этилаётган келишувда аффилиланган шахс бўлса, у аъзо бу масалада овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Агар Кузатув кенгашининг икки ёки ундан ортиқ аъзоси аффилиланган шахс бўлса, бундай келишувни тузиш тўғрисидаги қарор Акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилиниши лозим;

30. Уставнинг 70-1-банди қуйидаги мазмундаги 70-1.3-кичик банди билан тўлдирилсин:

70-1.3. Ушбу ваколатни Кузатув кенгашига бериш тўғрисидаги қарор мазкур Уставнинг 59-бандида белгиланган тартибда маъқулланган тақдирда, банкнинг устав капитали қўшимча акциялар чиқариш орқали ошириш, шунингдек, Банкнинг устав капитали оширилиши ва эълон қилинган акциялар сонини камайтириш билан боғлиқ Уставга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

31. Уставнинг 70-1-банди қуйидаги мазмундаги 70-1.4-кичик банди билан тўлдирилсин:

70-1.4. Ушбу ваколатни бериш тўғрисидаги қарор мазкур Уставнинг 59-бандида белгиланган тартибда маъқулланган тақдирда, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш.

32. Уставнинг 71-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

71. Банк АЖ тўғрисидаги Қонунга асосан сайланган аъзоларнинг камида саксон фоиздан (80%) иборат кворум бўлган тақдирда, йиғилишда қатнашган барча аъзоларнинг малакали кўпчилиги овози (саксон (80) фоиздан кўпроғи) маъқуллашисиз қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ёки бирор-бир ҳаракатни амалга оширишга ҳақли эмас:

33. Уставнинг 71.1-кичик банди г - хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

г. Банк ва/ёки унинг шуъба корхонаси, агар Акциядорлар умумий йиғилишининг бундай маъқуллаши АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 88-моддасига мувофиқ талаб этилса, аффилиланган шахс билан ҳар қандай шартнома ёки битим тузса;

34. Уставнинг 71.1-банди қуйидаги мазмундаги 71.11-кичик банди билан тўлдирилсин:

71.11. Ҳар қандай дивидендларни тўлаш тартиби, бирор-бир акцияларни тақсимлаш ёки акцияларни сотиб олиш ёки дивиденд сиёсатига ўзгартиришлар киритиш масаласини Акциядорларнинг умумий йиғилишига қарор қабул қилиш учун чиқариш;

35. Уставнинг 71.1-банди қуйидаги мазмундаги 71.12-кичик банди билан тўлдирилсин:

71.12. Кредитларнинг муддатини узайтириш, Банкнинг одатдаги фаолияти жараёнида амалга ошириладиганидан ташқари ва/ёки кредитларни ёки қарздорликни узил-кесил ҳисобдан чиқариш масаласини Акциядорларнинг умумий йиғилишига қарор қабул қилиш учун чиқариш;

36. Уставнинг 71.1-банди қуйидаги мазмундаги 71.13-кичик банди билан тўлдирилсин:

71.13. Банкнинг асосий ҳисоб сиёсатларига ҳар қандай ўзгартиришлар киритиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ ёки Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) ёки Банк томонидан қўлланиладиган бошқа бухгалтерия стандартларига мувофиқ ўзгартиришлардан ташқари;

37. Уставнинг 71.1-банди қуйидаги мазмундаги 71.14-кичик банди билан тўлдирилсин:

71.14. Банк ёки унинг бирор бир шуъба компанияси томонидан сотиб олиш қиймати бир миллион (\$1 000 000) АҚШ долларидан (ёки унинг ўзбек сўмидаги эквивалентидан) ошадиган ҳар қандай кўчмас мулкни сотиб олиш;

38. Уставнинг 71.1-банди қуйидаги мазмундаги 71.15-кичик банди билан тўлдирилсин:

71.15. Республика ҳудудида Банкнинг бирор-бир филиалини ёки шуъба компанияларини ташкил этиш;

39. Уставнинг 71.1-банди қуйидаги мазмундаги 71.16-кичик банди билан тўлдирилсин:

71.16. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

40. Уставнинг 71.1-банди қуйидаги мазмундаги 71.17-кичик банди билан тўлдирилсин:

71.17. Акциядорлар умумий йиғилиши ҳал қилиши учун Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги Банк Уставини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни киритиш;

41. Уставнинг 71.1-банди қуйидаги мазмундаги 71.18-кичик банди билан тўлдирилсин:

71.18. Кейинчалик Акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқлаш учун тақдим этиш орқали Банк Бошқаруви Раисини тайинлаш;

42. Уставнинг 71.1-банди қуйидаги мазмундаги 71.19-кичик банди билан тўлдирилсин:

71.19. Банкнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

43. Уставнинг 71.1-банди қуйидаги мазмундаги 71.20-кичик банди билан тўлдирилсин:

71.20. Йиллик молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

44. Уставнинг 71.1-банди қуйидаги мазмундаги 71.21-кичик банди билан тўлдирилсин:

71.21. Стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

45. Уставнинг 71.1-банди қуйидаги мазмундаги 71.22-кичик банди билан тўлдирилсин:

71.22. Банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;

46. Уставнинг 72-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

72. Кузатув кенгашининг умумий ваколатлари. Банк сайланган аъзоларнинг камида саксон фоизидан (80%) иборат кворум бўлган тақдирда, йиғилишда қатнашган барча аъзоларнинг оддий кўпчилик овози (эллик (50) фоиздан кўпроғи) маъқуллашисиз қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ёки бирор-бир ҳаракатни амалга оширишга ҳақли эмас:

47. Уставнинг 72.1-кичик банди чиқариб ташлансин;

48. Уставнинг 72.2-кичик банди чиқариб ташлансин;

49. Уставнинг 72.3-кичик банди чиқариб ташлансин;

50. Уставнинг 72.4-кичик банди чиқариб ташлансин;

51. Уставнинг 72.5-кичик банди чиқариб ташлансин;

52. Уставнинг 72.6-кичик банди 72.1-кичик банди деб ҳисоблансин;
53. Уставнинг 72.7-кичик банди чиқариб ташлансин;
54. Уставнинг 72.8-кичик банди 72.2-кичик банди деб ҳисоблансин;
55. Уставнинг 72.9-кичик банди чиқариб ташлансин;
56. Уставнинг 72.10-кичик банди 72.3-кичик банди деб ҳисоблансин ва қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

72.3. Аудиторлик текшируви ўтказиш (мажбурий аудиторлик текширувидан ташқари) учун аудиторлик ташкилотини, унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ва у билан шартнома тузиш, шу жумладан аудиторлик ташкилотини четлаштириш ёки алмаштириш ҳамда молия йилидаги бирор-бир ўзгартиришлар тўғрисида қарор қабул қилиш.

57. Уставнинг 72-банди қуйидаги мазмундаги 72.4-кичик банди билан тўлдирилсин:

72.4. Акциядорлар умумий йиғилишига мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг чегараси бўйича тавсиялар тақдим этиш;

58. Уставнинг 72.11-кичик банди 72.5-кичик банди деб ҳисоблансин;
59. Уставнинг 72.12-кичик банди чиқариб ташлансин;
60. Уставнинг 72.13-кичик банди чиқариб ташлансин;
61. Уставнинг 72.14-кичик банди 72.6-кичик банди деб ҳисоблансин;
62. Уставнинг 72.15-кичик банди 72.7-кичик банди деб ҳисоблансин;
63. Уставнинг 72.16-кичик банди 72.8-кичик банди деб ҳисоблансин;
64. Уставнинг 72.17-кичик банди чиқариб ташлансин;
65. Уставнинг 72.18-кичик банди 72.9-кичик банди деб ҳисоблансин;
66. Уставнинг 72.19-кичик банди 72.10-кичик банди деб ҳисоблансин;
67. Уставнинг 72.20-кичик банди 72.11-кичик банди деб ҳисоблансин;
68. Уставнинг 72.21-кичик банди 72.12-кичик банди деб ҳисоблансин;
69. Уставнинг 72.22-кичик банди 72.13-кичик банди деб ҳисоблансин;
70. Уставнинг 72.23-кичик банди 72.14-кичик банди деб ҳисоблансин;
71. Уставнинг 72.24-кичик банди чиқариб ташлансин;
72. Уставнинг 72.25-кичик банди 72.15-кичик банди деб ҳисоблансин;

73. Уставнинг 72.26-кичик банди 72.16-кичик банди деб ҳисоблансин;
74. Уставнинг 72.27-кичик банди 72.17-кичик банди деб ҳисоблансин;
75. Уставнинг 72.28-кичик банди 72.18-кичик банди деб ҳисоблансин;
76. Уставнинг 72.29-кичик банди 72.19-кичик банди деб ҳисоблансин;
77. Уставнинг 72.30-кичик банди чиқариб ташлансин;
78. Уставнинг 72.31-кичик банди чиқариб ташлансин;
79. Уставнинг 72.32-кичик банди 72.20-кичик банди деб ҳисоблансин;
80. Уставнинг 72.33-кичик банди 72.21-кичик банди деб ҳисоблансин;
81. Уставнинг 72.34-кичик банди чиқариб ташлансин;
82. Уставнинг 72.35-кичик банди 72.22-кичик банди деб ҳисоблансин;
83. Уставнинг 72.36-кичик банди 72.23-кичик банди деб ҳисоблансин ва қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Юқорида қайд этилган бирор-бир ваколат юзасидан бирор-бир келишув, мажбурият ёки келишишни тузиш (мазкур Уставнинг 72.1.-72.22.-кичик бандлари);

84. Уставнинг 72.37-кичик банди 72.24-кичик банди деб ҳисоблансин;
85. Уставнинг 74-банди 10-хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

TMF ва DEG ҳар бири Кузатув кенгашига биттадан (1) аъзони **таклиф этиш** ҳукукига эга (TMF дан Таклиф этилган аъзо ва DEG дан Таклиф этилган аъзо, тегишинча биргаликда Таклиф этилган аъзолар).

86. Уставнинг 76-банди 1-хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

76. Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан Кузатув кенгаши аъзолари орасидан сайланади. Сайланиш масаласи Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг камида саксон фоизидан (80 %) иборат кворум бўлиши шарти билан, йиғилишда иштирок этаётган барча аъзоларнинг яқдил маъқуллаштини талаб этади.

87. Уставнинг 79-банди 3-хатбоши чиқариб ташлансин;

88. Уставнинг 79-банди 5-хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур Уставда назарда тутилган миқдорнинг саксон (80) фоизидан кам бўлган тақдирда, Банк Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Банк акциядорларининг фавқулодда (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари фақат Акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

89. Уставнинг 86-банди 16-хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

қарор қабул қилиш санасида Банк соф активлари қийматининг ўн беш (15) фоизидан кам бўлган Банк активларини сотиб олиш ва бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни тузади, мазкур Уставнинг 59.18., 59.19., 59.22., 71.3. ва 71.14,-кичик бандларида назарда тутилган қоидалар ёки мазкур Уставга зид бўлган бошқа ҳолатлар бундан мустасно;

90. “Ипак Йўли” АИТБ Уставига 1-сонли Илова 1-хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Уставнинг 59, 60, 70-1, 71 ва 72-бандларига нисбатан қўлланилаётган қуйидаги атамалар:

«Ипак Йўли» АИТБ
Бошқарув раиси



С.С. Сайдахмедов

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Ипак Йўли» АИТБ

2026 йил 29 июндаги
Банк Акциядорлари умумий
йиғилиши

92 сонли Баённомаси

Кузатув келган раиси


Норматов Б.У.



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

2026 йил «18» август
№ 1019

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Райсининг ўринбосари



Носиров С.С.

«ИПАК ЙЎЛИ»
АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ
ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ УСТАВИГА
КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР
ВА ҚЎШИМЧАЛАР

“ИПАК ЙЎЛИ” АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ УСТАВИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Уставнинг 4-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

4. Банкни ташкил этиш ва унинг фаолиятидан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияларга мувофиқ банк фаолиятини, шу жумладан исломий банк фаолиятини амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида фойда олиш мақсадида у билан боғлиқ хизматларни кўрсатишдир.

Банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига қатъий амал қилган ҳолда, шунингдек, исломий банк операцияларини амалга оширишда исломий молия стандартларига мувофиқ равишда амалга оширади.

2. Уставнинг 12-банди 4-хатбошиси ва жадвали чиқариб ташлансин.

3. Уставнинг 16-банди 6-хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Кредитлаш ва исломий молиялаштириш орқали иқтисодий салоҳиятни ривожлантиришга ва республика иқтисодиётининг турли соҳаларида илмий-техник тараққиёт ютуқларини жорий этилишига кўмаклашиш.

4. Уставнинг 18-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Банк томонидан амалга ошириладиган молиявий операцияларга қуйидагилар киради:

18.1. Пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб қилиш;

18.2. Тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан тўловларни амалга ошириш;

18.3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва юритиш;

18.4. Кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш;

18.5. Чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар;

18.6. Жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш;

18.7. Инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш;

18.8. Учинчи шахслар учун уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;

18.9. Учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш (факторинг);

18.10. Қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага асосан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш;

18.11. Аффинланган қимматбаҳо металлларни сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металлларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металлларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш;

18.12. Қимматбаҳо металллардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш;

18.13. Ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;

18.14. Ҳужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш;

18.15. Лизинг бериш;

18.16. Қонунчиликда назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;

18.17. Молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

18.18. Активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;

18.19. Электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;

18.20. Банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш;

18.21. Рўйхатдан ўтказувчи орган билан электрон ахборот алмашиш орқали кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш;

18.22. Исломий молия операцияларини амалга ошириш, шу жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда:

18.22.1. Фойдани тақсимлаш шарти асосида миждозни молиялаштириш ёки пул маблағларини инвестициявий омонатларга жалб этиш;

18.22.2. Вакиллик шартномаси орқали пул маблағларини бериш ёки инвестициявий омонатларга жалб этиш;

18.22.3. Товарни насияга сотиш орқали миждозни молиялаштириш;

18.22.4. Товарлар учун олдиндан ҳақ тўлаш орқали миждозни молиялаштириш;

18.22.5. Биргаликдаги фаолиятни (шерикчилик) амалга ошириш ёки юридик шахсларнинг устав капиталида иштирок этиш орқали миждозни молиялаштириш;

18.22.6. Мол-мулкни исломий ижарага бериш (сотиб олиш ҳуқуқи билан).

Банк банклар ва банк фаолияти туғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур банднинг 18.1-18.22. кичик бандларида назарда тутилмаган бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.

Банк ушбу банднинг 18.22-кичик бандида назарда тутилган исломий молия операцияларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа исломий молия операцияларини ислом молиясининг умумқабул қилинган халқаро амалиётини ҳисобга олган ҳолда амалга оширади.

Исломий молия операциялари амалдаги исломий молия стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

Банк ўз фаолиятини банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия ва (ёки) исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида амалга оширади.

Амалга оширилиши учун қонунчиликка мувофиқ алоҳида лицензиялар ёки рухсатномалар олиниши талаб этиладиган фаолият Банк томонидан тегишли ҳужжатлар олинганидан кейин амалга оширилади.

5. Уставнинг 19-банди 1-хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

19. Банк аҳоли, корхоналар, ташкилотлар, кредит ва молия институтларининг, шу жумладан норезидентларнинг бўш турган пул маблағларини жалб этади, уларни талаб қилиб олингунча депозит, жамғарма, муддатли депозит ҳисобварақларида, инвестиция ҳисобварақларида, шунингдек бошқа турдаги депозит ва мажбуриятлар ҳисобварақларида сақлайди.

6. Уставнинг 20-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

20. Банк корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларни кредитлаш (исломий молиялаштириш)ни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширади.

7. Уставнинг 21-банди:

1-хатбошиси чиқариб ташлансин.

2 ва 3-хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

Кўрсатилган чеклов қуйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди:

иккинчи-саккизинчи хатбошилари тегишли равишда биринчи-еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

8. Уставнинг 27-банди:

2- хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

депозиторлар, омонатчилар ва қарз олувчилар билан келишилган ҳолда омонатлар ҳамда бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини, шунингдек исломий молия операциялари бўйича устама ва (ёки) фойдадан олинадиган улуш миқдорини мустақил белгилаш;

12 ва 13- хатбошилари “кредит” ва “кредитланадиган” деган сўзлардан кейин “(исломий молия)” ва “(исломий молиялаштириладиган)” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

16- хатбошиси “лицензияда” деган сўздан кейин “лицензияларда” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9. Уставнинг 28-банди 4-хатбошиси “кредитлар” деган сўздан кейин “(исломий молиялаштириш)” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

10. Уставнинг 55-банди 6-хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек Банкнинг Кузатув кенгаши, Бошқаруви аъзолари, Банкнинг Исломий молия кенгаши ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашни қуйидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:

11. Уставнинг 59-банди:

59.26-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

59.26. Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш, шу жумладан исломий банк фаолиятининг исломий молия стандартларига мувофиқлигини текшириш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш, шу жумладан аудиторлик ташкилотини четлаштириш ёки алмаштириш ва Молиявий йилидаги бирор-бир ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

59.36-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

59.36. (1) Банкнинг Исломий молия кенгаши аъзолари сонини белгилаш, Исломий молия кенгаши аъзолари сонини ўзгартириш, унинг аъзоларини сайлаш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш; ва (2) Банкнинг Исломий молия кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш.

59.36-кичик бандининг эски таҳрири тегишли равишда 59.37-кичик банди деб ҳисоблансин ва унинг 10-хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Банк Бошқаруви ва Исломий молия кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш.

12. Уставнинг 70-банди қуйидаги мазмундаги 2-хатбоши билан тўлдирилсин:

Банк Кузатув кенгаши Банк томонидан тегишли лицензия асосида исломий банк фаолиятини амалга оширишда, исломий молия стандартларига мувофиқ бўлган самарали бошқарув тизимини яратиш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

13. Уставнинг 72-бандининг:

72.4-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

72.4. Акциядорлар умумий йиғилишига мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш, шу жумладан исломий банк фаолиятининг исломий молия стандартларига мувофиқлигини текшириш, аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг чегараси бўйича тавсиялар тақдим этиш.

Қуйидаги мазмундаги 72.8-кичик банд билан тўлдирилсин:

72.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишига Банкнинг Исломий молия кенгаши аъзолигига сайлаш учун номзодлар ва уларнинг аъзолигини тугатиш тўғрисида тавсиялар бериш.

14. Уставнинг 76-банди 2-хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Кузатув кенгаши Раиси Кузатув кенгашининг барча мажлисларида раислик қилади. Кузатув кенгаши Раиси мазкур лавозимни кетма-кет 7 (етти) йилдан ортиқ вақт эгаллаб туриши мумкин эмас. Кузатув кенгаши Раисининг мажлисда иштирок этиши имкони бўлмаган тақдирда, Кенгаш Раиси Кузатув кенгашининг аъзоларидан бирини мажлис Раиси сифатида тайинлайди.

15. Уставнинг 84-банди 2-хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Банк Бошқарувининг таркиби саккиз (8) кишидан иборат. Бошқарув раиси Банк Кузатув кенгашининг тақдимига кўра конкурс танлов асосида лавозимга тайинланади, кейинчалик Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Бошқарув аъзолари Банк Бошқаруви раисининг тақдими бўйича Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Бошқарув Раиси ва унинг аъзолари ўз лавозимларига ваколатларини узайтириш ёки уларни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилган ҳолда 3 (уч) йил муддатга тасдиқланади. Банк номидан шартнома Кузатув кенгаши Раиси ёки Банк Кузатув кенгаши томонидан ваколат берилган шахс томонидан имзоланади.

16. Уставнинг 86-банди:

қуйидаги мазмундаги 6-хатбоши билан тўлдирилсин:

Банк тегишли лицензия асосида исломий банк фаолиятини амалга оширганда, унинг амалга оширилишини исломий молия стандартларига мувофиқлигини таъминлайди.

олтинчи-ўн саккизинчи хатбошилари тегишли равишда еттинчи-ўн тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

17. Устав қуйидаги мазмундаги IX¹-боб билан тўлдирилсин:

IX¹. Исломий молия кенгаши.

89¹. Исломий молия кенгаши исломий банк фаолиятини амалга оширилишини мувофиқлаштирувчи ва Банк фаолиятининг исломий молия стандартларига мувофиқ бўлишини таъминловчи Банкнинг коллегиял-маслаҳат органи ҳисобланади.

Исломий молия кенгашининг вазифалари Банкнинг бошқа бошқарув органларига юклатилиши мумкин эмас.

89². Исломий молия кенгаши 3 (уч) аъзодан иборат.

Исломий молия кенгаши аъзолари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларини ҳисобга олган ҳолда банкнинг Кузатув кенгаши тавсияси асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланади ва уларнинг аъзолиги тугатилади.

Исломий молия кенгаш аъзолигига кўрсатилаётган шахслар номзоди, улар лавозимга киришгунига қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олинади.

Банкнинг ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган акциядорлари ва муҳим аҳамиятга эга ходимлари Исломий молия кенгаши аъзоси бўлишига йўл қўйилмайди.

Исломий молия кенгаши аъзолари исломий молия соҳасида зарур билим ва малакага эга бўлишлари шарт.

89³. Исломий молия кенгаши функциялари жумласига қуйидагилар киради:

- банк исломий молия операцияларининг исломий молия стандартларига мувофиқлигини таъминлаш ҳамда бундай мувофиқлик билан боғлиқ масалалар ва мурожаатлар бўйича хулосалар тақдим этиш;

- исломий молия операциялари билан боғлиқ шартномалар, ички ҳужжатлар ва ҳисоботлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда маъқуллаш;

- исломий банк фаолияти, шу жумладан исломий молия операциялари ва улар билан боғлиқ бўлган шартномалар ҳамда ҳужжатлар бўйича банк томонидан амал қилиниши шарт бўлган ва қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган қарорларни қабул қилиш;

- Банкнинг жорий фаолиятида исломий молия стандартларига риоя қилинишини мониторинг қилиш.

- исломий банк фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш ҳамда ички назорат тизимини жорий этишда банкнинг Кузатув кенгаши ва Бошқарувига ўз хулосалари орқали кўмаклашиш.

Исломий молия кенгаши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банкнинг ички ҳужжатларига асосан бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

89⁴. Исломий молия кенгашининг Банк фаолиятини исломий молия стандартларига мувофиқлиги масалалари бўйича қарорлари ва хулосалари, Банк ҳамда унинг бошқарув органлари, шу жумладан Банк Бошқаруви томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Банк бошқаруви органлари исломий молиялаштиришга оид масалалар бўйича Исломий молия кенгашининг қарорлари ва хулосаларига зид бўлган қарорларни қабул қилишга ҳақли эмас.

89⁵. Исломий молия кенгаши Банк Кузатув кенгаши билан ўзаро ҳамкорлик қилади ва зарурат туғилганда унга исломий молия масалалари бўйича хулосалар ва тавсияларни тақдим этади.

89⁶. Исломий молия кенгаши банкдаги исломий банк фаолиятининг исломий молия стандартларига мувофиқлигини баҳолайди ва баҳолаш натижалари бўйича Акциядорларнинг умумий йиғилишига бир йилда камида бир маротаба ҳисобот тақдим этади.

89⁷. Исломий молия кенгаши фаолиятини амалга ошириш тартиби ҳамда унинг аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларини инобатга олган ҳолда Банкнинг ички ҳужжатлари билан белгиланади.

18. Устав қуйидаги мазмундаги 101-банд билан тўлдирилсин:

Банк тегишли лицензия асосида исломий банк фаолиятини амалга оширганда, исломий банк фаолиятининг исломий молия стандартларига мувофиқлиги юзасидан йилда камида бир марта ташқи аудиторлик текшируви ўтказилишини таъминлайди.

Мазкур текширув натижалари Исломий молия кенгаши томонидан Банк фаолиятининг исломий молия стандартларига мувофиқлигини баҳолашда ҳамда тегишли ҳисоботни тайёрлашда инобатга олинади.

«Ипак Йўли» АИТБ
Бошқарув раиси в.б.



У.А.Ҳакимов